



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

48 (213) ● 2012 йил 28 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН "Буюк ипак йўли"да жойлашганлиги ва тарихий-архитектура ёдгорликлари билан жаҳон туристларини ўзига жалб этиб келмоқда.



ТОШКЕНТ шаҳридаги "Машхура" ўқув марказининг Қарши филиали 2006 йилдан буюн фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунгача ушбу марказда 15 мингдан зиёд хотин-қиз қандолатчилик, бичиш-тиқиш, парда тиқиш, компьютер сабоқлари, тўқиш, сартарошлик, уй ҳамшираси каби курсларни муваффақиятли тамомлади.



"ЎЗБЕКИСТОН маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг ёрқин лойиҳаларидан бири бўлган "Bazar — Art" кўرғазма-ярмаркасининг қаморови ва иштирокчилари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГУ

ХАБАРЛАР

Бахт-иқбол пойдевори

Термиз давлат университетиди "Камолот" ЕИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий қоғолати" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Тошкент давлат юридик институти ўқитувчилари, таниқли театр ва кино актёрлари, ҳуқуқшунос олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар Конституциямизнинг асосий моҳияти инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат эканлиги, бугунги кунда ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги, ёшларнинг эса жамиятдаги ўрни тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Хайрия акцияси

"Ҳаёт учун" кўрак беги саратони миллий уюшмаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бир қатор соғломлаштириш марказлари ҳамкорлигида Орол бўйида хайрия акцияси ўтказилмоқда.

Мазкур акция "Мустаҳкам оила йили" давлат дастури асосида ташкил этилган бўлиб, шу кунгача қадар 17 минг нафардан ортиқ аёллар кўрак беги саратони хасталиги бўйича кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, туманларда ташкил этилган тиббий кўриклар жараёнида аҳолига хасталикнинг олдини олиш, аниқ ташхис қўйиш, ўз вақтида даволаш бўйича кенг тушуنча берилди ва касаллик аломатлари аниқланган аёлларга зарур тиббий ёрдамлар кўрсатилди. Тадбир доирасида пойтахтдаги нуфузли тиббиёт муассасаларининг малакали мутахассислари жойларда аёлларни чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказиб, ўз маслаҳатларини беришмоқда.

Дастурий маҳсулотлар бозори

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон дастурий маҳсулотлари бозорининг ривожланиши ва истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг дастурий маҳсулотлар (ДМ) бозори жадал суръатда ривожланаётгани таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк бўйича агентлигида рўйхатга олинган дастурий маҳсулотларнинг сони 2012 йилнинг 9 ойи мобайнида 208 тани ташкил этган бўлса, ЭҲМ учун 194 та дастур, 14 та маълумотлар базаси рўйхатга олинган. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ўсиш кўп жиҳатдан республикада АКТ соҳасидаги фаолиятнинг ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани билан боғлиқ.



ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ

Мамлакат фаровонлигининг муҳим омили

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ ЙИГИЛИШИДА 2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИгини таъминлаш дастури тўғрисидаги МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Йиғилишда 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур дастур 2013 йилда иш ўринларига бўлган эҳтиёж меҳнат бозоридаги тенденцияларни ўрганиш ҳамда ишчи кучига бўлган талаб ва тақлиф балансига таъсир этадиган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг омиллари таҳлили асосида ишлаб чиқилган. Бунда меҳнат бозорига биринчи марта кириб келадиган ҳамда иқтисодийдаги таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгиланишлар натижасида бўшаб қолган шахсларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Маданий ёдгорликлар — давлат муҳофазасида

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 49-модда.)

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ёш авлодни уларнинг муносиб ворислари этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда ўтмиш кўзгуси бўлган музейлар фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Музейлар инсон маънавий олами бойитиш ҳамда унинг миллий гурурини юксалтиришга хизмат қилади. Шу маънода, музейлар маънавият ва маърифат ўчоғи сифатида эъзозланади.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган "Музейлар фаолия-



тини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони ҳамда 2008 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши мазкур соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этди.

4-бет

СОҒЛОМ АВЛОД

Маҳалла ёшлари

"МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ УЧУН БЕЛЛАШДИЛАР



Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Истиклол йилларида мамлакатимизда спорт соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар, хусусан болалар спортини ривожлантиришга берилаётган алоҳида эътибор Ўзбекистонни дунёга танилиши ва соғлом авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Спортнинг барча турлари каби футболга берилаётган юксак эътибор натижаси ўларок, бугун футбол бўйича ўсмирлар терма жамоамиз Осиё чемпиони бўлди. Энг муҳими, ёшларни спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловолди Платформасида илгари сурилган ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш ва улар қалбида миллий гурур уйғотиш борасида қатор амалий ишлар олиб боришга интиломоқда. Бугунги мусобақа ҳам ана шундай эзгумақсадларни кўзлайди.

3-бет

ПАРЛАМЕНТ

Туризм юқори даромадли тармоқлараро мажмуа ҳисобланиб, бугунги кунда жаҳон иқтисодий воясининг асосий соҳаларидан бирига айланмоқда. Жумладан, бандлик, ижтимоий фаровонлик ва одамларнинг яшаш даражасини ошириш, шунингдек, давлатлар ва минтақаларнинг иқтисодий ривожланишида мазкур соҳа муҳим ўрин тутади.

Қўмита йиғилиши

Унда ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "ТУРИЗМ Тўғрисида"ги қонунининг "ЎЗБЕКТУРИЗМ" МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ, ҚАШҚАДАРЁ, ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТЛАРИ ҲАМДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖРОСИ Қўриб чиқилди

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

● **ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ**

Мамлакат фаровонлигининг муҳим омили

ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ ЙИГИЛИШИДА 2013 ЙИЛДА ИШ ҲАҚИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)



— Келгуси йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, олий ва ўрта махсус касб-хунар ташкили муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга доир тармоқ дастурларини ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилган, — деди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимухамедов. — Хусусан, 2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўринларини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан бундан ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятлари, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобига ташкил этилади.

Касаначилик соҳасидаги иш ўринларининг катта қисми анъанавий равишда миллий ҳунармандчилик марказлари ҳисобланган келинадиған минтақалар — Наманган, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро вилоятларида яратилди. Бунда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та олис туманга алоҳида эътибор берилди. 2013 йилда бу ҳудудларда камидан 126 мингта янги иш ўрни ёки жорий йилдагида беш фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг муҳим йўналишларидан биридир. 2013 йилда бўш ва захирадаги иш ўринлари ҳисобига касб-

ривожлантиришга эътибор қаратилганлиги диққатга сазовордир. Йиғилишда фракция аъзолари ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бирктирилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, битирувчилар иштирокидан шаҳар ва туманларда камидан 900 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади. Бундан ташқари, коллежлар ва олий ўқув юртлири битирувчиларининг ўз тадбиркорлик ишини ташкил этиш ҳамда йўлга қўйиши учун тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилиши таъкидланди, — деди нотик.

Муҳокама қилинган сўз олган фракция аъзолари 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурий мақсадларига мувофиқ равишда меҳнат бозорининг эҳтиёжларига қўра ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, ушбу дастур демографик омиллардан келиб чиққан ҳолда, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш бўйича мўлжалланган дастурлар асосида тайёрланганини эътироф этишди. Дастурда Меҳнат бозоридан банд бўлмаган, айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий бандлигини самарали шакллари, хусусан, кичик бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни

Абдуғафур МАМАТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Йиғилишда фракциямиз аъзолари 2013 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида тармоқ корхоналарига бириктирилган касб-хунар коллежлари билан ўзаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш, айниқса, битирувчи курс талабаларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди. Шунингдек, касб-хунар коллежлари талабаларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни ҳунармандчилик, сервис ва туризм соҳасида тадбиркорликни йўлга қўйишга йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Марказий банк билан биргаликда 2012-2013 ўқув йили учун мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини эътироф этишди. Бундан ташқари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳудудлардаги асосий иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан биргаликда мавжуд 1406 та касб-хунар коллежиде васийлик кенгашларини ташкил этиш ва уларнинг жамғармаларини шакллантириш лозим.

Бахтиёр КўШАКАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Маъжур Дастур меҳнат бозори эҳтиёжлари ва демографик омиллардан келиб чиққан ҳолда, республика тармоқлари ҳамда ҳудудларини ривожлантириш бўйича мўлжалланган дастурлар асосида ишлаб чиқилган. Унда меҳнат бозориде банд бўлмаган, айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳолини банд қилиш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Муҳокама чоғида фракциямиз аъзолари ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда қатор тақлифлар билдиришди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўжаликлари, вазирилик, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда қисқа муддатда касб-хунар коллежларининг жорий йилда бандлиги таъминланмаган барча битирувчиларини кичик бизнес соҳасида қўшимча иш ўринларини ташкил этиш ҳисобига ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни қўриш муҳим деб ҳисоблайди. Шунингдек, янги иш ўринлари яратилишида ҳунармандчилик, уй меҳнати, касаначилик, оилавий тадбиркорлик йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Қамолитдин ХОТАМОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

● **ЎҚУВ-СЕМИНАР**



ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» лойиҳаси жойларда янги иқтидор эгаларини кашф этишга хизмат қилмоқда

Оилада фарзанд дунёга келгандан бошлаб ота-онанинг жамият олдидеги жавобгарлиги кундан-кунга ортиб боради. Яъни, оила зиммасига ўсиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдек масъулиятли вазифа юкланади. Маълумки, фарзандларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оиладаги маънавий муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, маънавиятли оила бағрида камол тоған фарзандлар ҳар жиҳатдан комил, ватанпарвар ва юрт тақдирига камарбаста бўлиб вояга етадилар. Бугун мамлакатимизда камол топаётган ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлишлари учун кенг шароитлар яратилгани замирида ҳам мана шу эзгу мақсад муҳимдир. Бу борада юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам муносиб иштирок этишга интилоқда.

Самарқандда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ЎзМТДП «Ёшлар қаноти»нинг иштироки» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ва Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, партиянинг Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоят ташкилотлари «Ёшлар қаноти» етакчилари, Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилоят бўлини маси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Ўқув-семинар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган миллий тикланиш демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми эканлигидан келиб чиқиб, миллий таърибига асосланган ҳолда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда демократик қадриятларни улар онгига сингдириш, келажатимиз эгаларини маънавий-ахлоқий, профессионал фазилатларга эга, мамлакат ва халқ тақдирини унинг масъулиятини ҳис этидиган, ватанпарвар қилиб тарбиялашга қўмақлашиш мақсадида ташкил этилди.

Икки кун давом этган ўқув-семинар давомида «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни, «Миллий тикланиш ва тараққиёт ғоясини амалга оширишда баркамол авлоднинг ўрни», «Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттиришда ЎзМТДП «Ёшлар қано-

ти» аъзоларининг вазифалари», «Худудий партия ташкилотлари «Ёшлар қаноти» қошидаги «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби фаолиятини янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари», «Партия «Ёшлар қаноти» фаолиятини янада кучайтириш ва такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари» каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шунингдек, ЎзМТДП Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоят Кенгашлари «Ёшлар қаноти» етакчиларининг жорий йилдаги фаолияти юзасидан тақдироти иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Ўқув-семинарни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Мирзаев, бу каби семинарлар ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва роли, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифалари, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни кенг тарғиб этиш, шу билан биргаликда уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Таъкидланганидек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида қайд этилган мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш ва янги-янги

ташаббусларни илгари суришда ёшлар кўмағига таянади. Шу боис, худудий партия ташкилотлари ўз атрофида ҳар жиҳатдан билимли ва сиёсий фаол ёшларни бирлаштириб, уларни қўллаб-қувватлаш орқали кадрлар захирасини бойитиб бориши лозим.

Семинарда ўтган давр мобайнида партия Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Қўмиталари «Ёшлар қаноти» фаоллари ташаббуси билан амалга оширилган ишлар ҳусусида батафсил маълумот берилди. Улар фаолиятидаги ибратли жиҳатлар омаллаштирилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

«ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» фаолиятини янада ривожлантиришнинг замонавий усуллари ва йўллари» юзасидан тайёрланган махсус тақдимот ёшларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбир доирасида худудий партия ташкилотлари «Ёшлар қаноти» томонидан тақдим этилган янги лойиҳалар асосида уларнинг ютуқ ва камчиликлари ўзаро муҳокама этилди.

Семинарда гуруҳларга бўлинган ҳолда интерфаол усулда амалий машғуллар ўтказилиб, иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

Арслон ЭШМУРОДОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Истиклол йилларида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни миллий истиқлол ғоясига содиқ қилиб тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. ЎзМТДПнинг асосий мақсадларидан бири ҳам ёшларни замонавий билим ва мутахассисликни эгаллашга рағбатлантириш, истеъдод ва иқтидор эгаларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга қўмақлашишдан иборатдир. «Ёшлар қаноти» томонидан партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида ёшлар масаласида илгари сурилган ташаббусларни рўйбга чиқариш мақсадида турли тарғибот ишларининг олиб борилиши атрофимизга интеллектуал салоҳиятга ва юртинга содиқ, ватанпарвар ёшларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Бугунги ўқув-семинар ҳам ёшлар сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Семинарда иштирок этган ЎзМТДП Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоят Кенгашлари «Ёшлар қаноти» етакчилари ҳамда «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби аъзолари ўзаро таъриба алмашиш баробарида, миллий тикланиш ғояси тарғиботи йўлидаги янги ва илгор ғояларни кашф этишди, десак муболага бўлмайди.

Ҳусниддин РАЖАБОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ёшлар масалалари бўлими бошлиғи:

— Бугунги ёшлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бефарқ эмас. Бу партия худудий ташкилотлари «Ёшлар қаноти» ва «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби атрофида бирлашган йиғит-қизларнинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараш ва ташаббускорлигида акс этмоқда. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва янги ғояларни илгари суришларига қўмақлашиш ЎзМТДПнинг муҳим вазифалари сирасига кирди. Бу каби ўқув-семинарлар республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётгани янги иқтидор эгаларини кашф этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Феруз АБДУЛЛАЕВ, ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоли:

— Семинар ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» фаолларининг сиёсий фаолиги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, мустаҳкам фуқаролик позицияга эга бўлиши, юртимизда кечаётган демократик ислохотлар ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида дахлдорлигини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. «Ёшлар қаноти» фаолиятини янада ривожлантиришнинг замонавий усуллари ва йўллари юзасидан тайёрланган махсус тақдимот катта таассурот қолдирди. Бу эса партия «Ёшлар қаноти» етакчиларининг билим ва таърибалари янада мустаҳкамлашишига асос бўлди. Семинарда ўтган давр мобайнида партия Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоллари ташаббуси билан амалга оширилган ишлар ҳусусида батафсил маълумот берилди. Бу эса илгор партия ташкилотлари «Ёшлар қаноти» фаолиятини ўрганиш ва ўз фаолиятимизда омаллаштириш имконини берди.

Шоҳида МИРЗАЕВА, «Миллий тикланиш» мухбири

● **ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД**

Фаолиятни кучайтириш зарур

Юртимиз тарихий обида ва меъморий ёдгорликларга бой мамлакат саналади. Шунингдек, диққатга сазовор сўлим гўшалари ва гўзал табиати билан барчани ўзинга мафтун этади. Бугунги кунда Республикамиз ҳудудида мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Бу жаҳон сайёҳларининг диққатини тортиб, уларнинг юртимизга бўлган қизиқишини кучайтирмоқда.

Эътироф этиш жоизки, туризм энг сердаромад соҳа ҳисобланиб, унга бўлган талаб ва қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Маълумотларга қўра, ўтган йили дунё миқёсида 1 млрд га яқин киши саёҳатга чиққан. 2011 йилда мамлакатимизга 1 млн дан ортқ хоржиклик сайёҳ таширф буорган.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП жамиятда ўз ўрни ва мавқенини мустаҳкамлаш, кенг жамоатчилик эътиборини қозониш йўлида дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, партиянинг ғоя-мақсадлари кенг орасига чуқур кириб бориши ва шу орқали хайрихоҳларнинг сифдини кенгайтириш учун қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари партия кадрлари салоҳиятини юксалтириш, қўйи бўғинлар ишини жонлантириш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини янги бошқича кўтариш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш орқали партиямиз элитарати манфаатларини ифода этиш, химоя қилишга ин-

тилмоқда. Зеро, сиёсий партиялар фаолиятининг пировард натижаси сайловда партия номзодларига овоз берган электрорат манфаатларига нечоғлик хизмат қилганлиги билан ўлчанади.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сирдарё вилоятда туризм фаолиятини ривожлантириш бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган дастури» асосида вилоят ҳўкимининг 2012 йил 6 апрелда «Вилоятда ички туризмни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди. Шунингдек, ҳудудда туризм соҳасини ривожлантиришга оид 2011-2015 йилларга мўлжалланган лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, жорий йилда ЎзМТДП Марказий Кенгаши депутатлик гуруҳлари ишини тубдан кучайтириш ҳамда электрорат манфаатлари ва партиямиз ғояларидан келиб чиқиб «Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусини халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессияларида ташаб-

бус-масала сифатида олиб чиқишни тавсия қилди. Ҳўш, бу борадаги вазифалар партия Сирдарё вилоят Кенгаши ва маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар томонидан қандай амалга оширилмоқда? Вилоят, туман, шаҳар кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқдилар? Биз шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Маълумотларга қўра, халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашига 11 та, туман-шаҳар кенгашларига эса 53 та депутат ЎзМТДПдан сайланган. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, уларнинг айримлари ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда сессияларда фаол қатнашмаганлигига ғувоҳ бўлдик.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг 2011 йил давомида 7 та, жорий йилнинг ўтган даврида эса 6 та сессияси бўлиб ўтган. Аммо йиғилишлар кун тартибига партиямиз депутатлик гуруҳлари томонидан ҳудудда миллий туризмни ривожлантириш юзасидан маънавий қўйилмаган. «Сирдарё туризм» вилоят бўлими раҳбари Хайрулла Жўраев билан суҳбатлашганимизда соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муам-

молар мавжудлигини таъкидлади. Жумладан, Сардоба туманидаги Сардоба гўмбаз тарихий ёдгорлиги ва вилоят «Мирзачўлни ўзлаштириш» ва «Ўлкадан сайланган депутатлар томонидан қандай амалга оширилмоқда? Вилоят, туман, шаҳар кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқдилар? Биз шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Мухтасар айтганда, маҳаллий кенгаш депутатлари ўз ваколатларидан унумли фойдаланмаётдилар. Ахир ташаббускорлик ва фаоллик кўрсатиш, туман Кенгаши сессиялари кун тартибига жойлардаги муаммоларни кўтариб чиқиш, сайловчилар ва электрорат манфаатларини дадил туриб ҳимоя қилиш учун уларга нима тўсқинлик қилмоқда? Бу борада депутатлик гуруҳларининг жиҳдий ўйлаб қўриш фурсати етди. Дадиллик ва ташаббускорлик, фидоийлик ва ҳуқуқий саводхонлик билан бир қаторда аниқ мақсадга қаратилган иш режа, мустақил фикр, ваколат масъулияти бўлмас экан, бирор бир ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

СОҒЛОМ АВЛОД

Маҳалла ёшлари

“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ГАЗЕТАСИ
СОВРИНИ УЧУН БЕЛЛАШДИЛАР



(Давоми.
Бош 1-бетда)

маган голларни кўриб, ўзбек футболнинг келажаги порлок эканига амин бўлдик.

Шундан сўнг Тошкент шаҳрининг 12 та туманидан ташриф буюрган 13-14 ёшли маҳалла ёшларидан таркиб топган жамоалар ўртасидаги ўзаро курашга қуръа ташланди. Уйинларни ўқФ томонидан тайинланган ҳакамлар бошқариб бордилар.

Даврон САФАРОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар
Кенгаши Ижроия
Кўмитаси девони
раҳбари:

— ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизни спортга жалб қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, футболга бўлган қизиқишларини янада ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида партия Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан турли спорт мусобақалари ташкил этиб келинмоқда. “Миллий тикланиш” газетаси соврини учун ўтказилган мазкур мусобақа ёшларни оммавий спортга жалб этиш, улар орасидан республика, жаҳон чемпионоларини тайёрлаш, спортчи ёшларнинг орзу ва интиллари, ўз олдига қўйган мақсадлари билан ўртоқлашиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Асқар ТОЛИБЖОНОВ,
Халқ депутати
Тошкент шаҳар
Кенгашига ЎзМТДПдан
сайланган депутат, ўқФ
терма жамоалар маркази
бош директори:

— Бугун юртимизда спортга, айниқса, болалар спортига берилган юксак эътибор туфайли ўзбек ёшлари халқимизга янги-янги галабаларни тортиқ қилишмоқда. Жумладан, барча спорт турлари каби футбол ҳам кундан-кунга ривожланиб, ёшлар орасида “миллионлар ўйини”га бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу йил қурилиб, фойдаланишга топширилган мустаҳкам “Бунёдкор” спорт мажмуаси нафақат ҳамюртларимиз, балки жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди.

Улуғбек МУСАЕВ,
мусобақа иштирокчиси:

Бугунги мусобақани жамоамиз аъзолари бир умр унутиш-маса керак. “Миллий тикланиш” газетаси соврини учун ташкил этилган футбол мусобақасида иштирок этишимиз, энг аввало, маҳалламиз ёшларини бир ерга жамлаш, шунингдек, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишга имкон яратди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг бу каби тадбирлари спортсевар ва ватанпарвар ёшларни партия атрофида бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш мумкинки, бугунги футбол мусобақаси ҳам янги истеъдод эгалларини кашф этишга хизмат қилиши шубҳасиз. Ёш иштирокчиларнинг бор куч ва маҳоратларини ишга солиб, галаба учун курашгани, шунингдек, чиройли ва қутил-

Зиёдулло НОРМУРОДОВ,
Шоҳида ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish”
мухбирлари

“ЁШЛАР ҚАНОТИ”

Мамлакатимизда ёшларни етук ва интеллектуал салоҳиятли қилиб вояга етказиш борасида эътирофга молик ишлар амалга оширилмоқда. Ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, шунингдек, ёшларда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Бу борада партиянинг Ёшлар масалалари бўлими томонидан турли тарғибот тадбирлари, давра суҳбати, форум ва акциялар ҳамда кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар

Янги авлод нигоҳида

Навоий шаҳрида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси Девони “Ёшлар масалалари” бўлими ташаббуси билан худудий партия ташкилотлари “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари ўртасида ўтказиб келинаётган “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида” кўрик-танловининг Бухоро ва Навоий вилоятлари жамоалари ўртасидаги минтақавий босқичи ўтказилди. Унда ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, худудий партия ташкилотлари “Ёшлар қаноти” етакчилари, фаол ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Кўрик-танловда ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” қошидаги “Тафаккур” ва Бухоро вилоятининг “Ёш сиёсатчилар” жамоалари ўзаро беллашдилар. Тадбирни очиб берган ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Анора Бобомуродова мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ораётганини алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Ҳеч муболағасиз айтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда ёшлар учун барча имкониятлар мавжуд. Эътиборлики, ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш борасидаги сайёҳаракатлар бугун ўз самарасини кўрсатмоқда. Бунинг билан ҳамнафас қадам ташлаётган давр ёшларнинг ҳар жабҳада эришаётган ютуқлари, орзу-интиллари-

да яққол кўришимиз мумкин. ЎзМТДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари ёшлар ўртасида Ватона муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғунларини кенг тарғиб қилиш, йилгит-қизларда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантиришдан иборатдир. Мазкур танлов ёш авлодни ижтимоий-сиёсий ҳаётга, ҳуқуқий жихатдан билимли қилиб вояга етказиш, уларнинг сиёсий етакчилик маҳоратини оширишда ўзига хос восита бўлиши шубҳасиз.

Тадбирда сўз олганлар ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби ёшларда сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини бойитиш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намойиш этиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этаётганлигини алоҳида таъкидлашди. Шундан сўнг жамоалар ўз сиёсий билим ва тафаккурларини танлов низомида белгиланган шартлар бўйича намойиш этдилар.

Танловнинг биринчи шартини “ташриф карточкаси” шартига мувофиқ ҳар бир жамоа белгиланган вақт давомида ўз номи ва шioriини эълон қилди. Иккинчи — “Куч билим ва тафаккурда” шартига кўра, жамоалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция, Президентнинг “Юксак маънавият - энгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарлари оид ҳамда ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларга доир саволлар-

га зукколик ва топқирлик билан жавоб қайтаришга ҳаракат қилишди. Учинчи — “Ёшлар — мустаҳкам оила ва бахтли келажак иштирокчиси” шартига ҳам жамоалар бир-биридан қўлишмасликларини намойиш қилишди. Улар бугунги кунда айрим оилаларда учраётган баъзи муаммо ва камчиликлар ечимини саҳна кўринишлари орқали очиб беришга ҳаракат қилар экан, бу шартда азалий қадриятларимиз ҳисобланган оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда миллий урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимизнинг ўрни беқийслигига аҳамият қаратишди.

Яқиний натижаларга кўра, ҳар иккала жамоа ҳам тадбирнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ниғора МУҲИДДИНОВА,
“Ёш сиёсатчилар”
жамоаси сардори:

— Ўтган йили мазкур танловда навоийлик тенгдошларимиз голиб бўлган эди. Бу йилги босқичга ҳам уларнинг жуда яхши тайёргарлик кўрганликларига амин бўлдим. Қўларимиз бу гал тенг келди. Муҳими, бу танлов бизни сиёсий-ҳуқуқий билимларимизнинг янада ошишида, партия хайрихоҳлари сонининг кўпайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир баҳона Навоий вилоятининг диққатга сазовор масканлари ва зиёратгоҳ жойларида бўлди. Айниқса, худуд ёшлари учун бунёд этилган “Ёшлар маркази”ни кўздан кечирар эканмиз, қалбимиз қувончга тўлди. Бу мустаҳкам маскан нафақат ташқи кўриниш билан диққатимизни тортди, балки бу даргоҳда ёшлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилганлигини кўриб навоийлик тенгдошларимизга ҳавас қилдик.

Нурали ЖАМИЛОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят
Кенгаши Ижроия кўмитаси
девори Ёшлар масалалари
бўйича етакчи мутахассиси:

— Кўрик-танловда иштирок этиб, ўзларининг сиёсий-ҳуқуқий билимдонликларини намойиш этган шижоатли ёшлар қиёфасида юртимиз эртасининг ҳақиқий бунёдкорларини кўрдик. Партия “Ёшлар қаноти” фаоллари республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг нафақат кузатувчилари, балки фаол иштирокчилари сифатида ҳар бир шартда ўзларини кўрсата оладилар. Билимли ва ташаббускор ёшларнинг чиқишлари орқали “Ёшлар қаноти”нинг жойлардаги фаолияти ривожланиб бораётганлиги алоҳида таъкидланди. Кўрик-танлов орқали ана шундай ёшлар сафининг кенгайиб бораётганлиги эса мазкур тадбир нуфузининг янада ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ХРОНИКА

Миллий қадриятлар маскани

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ — ЎзМТДП ЭЪТИБОРИДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Шайхонтохур туман Кенгаши ташаббуси билан “Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, оилавий бизнес, касаначилик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларнинг ўз оиласи даврасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратишга эътиборни кучайтириш масалалари илгари сурилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида мамлакатимиз қонунчилигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида амалга оширилган ислохотлар, тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича аҳолига яратилган имконият ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳияти, уларнинг айна вақтдаги ижросига алоҳида эътибор қаратишди.

Партия туман Кенгаши “Аёллар қаноти” фаоллари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, сиёсий-ҳуқуқий билиминини ошириш, аёлларнинг жамият тараққиётида фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш каби муҳим масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Термиз шаҳар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб “Конституция — миллий қадриятларимизни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосидир” мавзусида тадбир ташкил этилди.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказилиб келинаётган маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларидан асосий мақсад Конституцияимизни тарғиб этиш орқали мамлакатимиз ёшларининг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, уларда юртга дахлдорлик туйғусини уйғотишга кўмаклашишдан иборатдир, — деди партия шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси мутахассиси С.Олимова. — Асосий Қонунимизни тарғиб қилиш ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидан саналади.

Тадбирда таъкидланганидек, фарзандларимизнинг билимли ва ҳар томонлама комил бўлишлари учун асосий қомусимиз саналмиш Конституцияни ўзларига дастуриламал қилиб олишлари, унда кўзда тутилган нормаларни ҳаёт мазмунига айлантиришлари лозим. Жойларда ўтказилаётган бу каби тадбирлар ёш авлоднинг сиёсий ва ҳуқуқий билим даражасини юксалтиришда ўз самарасини беради.

ЖИЗЗАХ

Обод маҳалла юрт гўзаллигини тараннум этувчи маскан бўлиб, мамлакат тараққиёти йўлида фуқароларни бирдамликка, ҳурфикрликка, миллий-маънавий қадриятларини эъзозлаш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам юртимизда фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, улар манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири, аҳамияти тобора ортиб бораётди. Бу эса жойларда ўтказилаётган тадбирларда ҳам ўз аксини топмоқда.

ЎзМТДП Зафаробод туман Кенгаши томонидан “Маҳалла - миллий қадриятларимиз маскани” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши ходимлари ва халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, маҳалла фаоллари, “Камолот” ЁИХ туман Кенгаши бўлими ҳамда туман ҳокимлиги мутасаддилари иштирок этди.

Тадбир ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий қадриятларимиз маскани бўлган маҳаллаларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини тарғиб қилиш, ёшларни илми, баркамол қилиб тарбиялашда оилалар, таълим муассасалари ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил қилинди.

Ийгилишда сўз олган Халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар Деҳқонбой Салимов ва Ўтагул Бойжоновна Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси маҳалла институти фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган қонунларни қабул қилишда фаол ҳаракат қилиши ўзининг долзарб вазифаси деб билишини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, ЎзМТДП Зафаробод туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Холита Тўрақуллова ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтиришда бу каби тадбирлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди.

СИРДАРЁ

ЎзМТДП Янгиер шаҳар Кенгаши ва Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими ҳамкорлигида “Мустаҳкам оила — бахтли келажак гарови” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Янгиер шаҳар Кенгаши фаоллари, Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Оила — жамиятнинг бирламчи бўлими. Бу муқаддас даргоҳда инсон дунёга келиб, маънавий ва ахлоқий тарбия топади. Шу боис оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади, тез ривожланади. Тадбирда сўзга чиққан партия фаоллари оиланинг жамиятдаги ўрни ва баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятига эътибор қаратишди.

— Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда оила институти муҳим ўрин тутadi, — деди халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ш.Жабборова. — Жамият манфаатлари билан боғлиқ вазифалар оиланинг мавқеини янада оширади. Шу нукта назардан мамлакатимизда оила фаровонлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган дастурий мақсадлар асосланиб иш олиб борилмоқда. Хусусан, ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида ҳам оила фаровонлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада шахримиздаги мавжуд саккизта маҳалла фуқаролари йигинида ЎзМТДП Янгиер шаҳар Кенгаши ташаббуси билан қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Бундай тадбирлар оилалар барқарорлиги, уларда азалий қадриятларини сақлашишга замин яратиши шубҳасиз.

Таъкидланганидек, ҳар бир оила жамият муҳофазасида бўлиб, унда камол топаётган фарзандлар юртимиз келажакнинг бунёдкорлари ҳисобланади. Шундай экан, оилада фарзандлар тарбиясига катта эътибор қаратиш лозим.

Мухтарома КОМИЛОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Куйи бўгин етакчилари фаоллиги

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бугун юртимизда кечаятган сиёсий жараёнлар, барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар сиёсий партиялардан ўз фаолиятларини замон талаблари асосида янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Сиёсий партиялар ўртасида кечаятган рақобат жараёнида ҳар бир партия ўз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлашда бошланғич партия ташкилотларининг кўмагига таяниши муқаррар. Zero, уларнинг самарали фаолияти партия гояларининг аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда ЎзМТДП Кўнғирот туман Кенгаши қошида 1000 нафардан ортиқ партия аъзосини бирлаштирган 40 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Партия туман Кенгаши томонидан куйи бўгинлар ишини янада кучайтириш мақсадида турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Яқинда БПТлар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган “Энг намунали бошланғич партия ташкилоти” кўрик-танлов фикримиз далили бўла олади. ЎзМТДП Кўнғирот туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўрик-танловда 40 га яқин бошланғич партия ташкилотлари ўзаро беллашдилар. Тадбир куйи бўгин етакчиларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксал-

тириш, партия хайрихоҳлари орасидан истеъдод эгалларини кашф этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг иш фаолиятига замонавий ва илғор гояларни олиб кириш мақсадида ташкил этилди. Кўрик-танловда иштирокчилар БПТ фаолияти билан таништириш, куйи бўгинда аъзоликка қабул қилиш даражаси ва ўтказилган партиявий тадбирлар сони ҳамда оммавий аҳамият воситаларида чиқишлар, ҳисоб варақаларининг юритилиши каби шартлар бўйича беллашдилар. Барча шартлар бўйича юқори кўрсаткичларга эришган туман Баркамол авлод болалар ижодиёт маркази қошида ташкил этилган бошланғич

партия ташкилоти биринчи ўринга лойиқ топилди.

— Партия мафқурасини тарғиб қилиш, сайловчиларга янада яқинроқ бўлишда бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, улар фаолиятини янада жонлантириш, ЎзМТДП электорати ва ижтимоий қатлами билан ишлаш усулларини такомиллаштириш, куйи бўгинлар етакчиларининг билим ва малакасини ошириш борасида туман Кенгашимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди ЎзМТДП Кўнғирот туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Олимжон Емберганов. — Ўтказилаётган қатор тадбир ва ўқув-семинарларда партия электорати билан ишлашда БПТ томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган жихатлар, хусусан, партия гоясини аҳолига кучури етказишда тарғибот ишлари олиб боришнинг ноанъанавий шакллари ҳақида маълумотлар берилмоқда. Натижада куйи бўгинлар фаолиятида анъанавий шакллари ҳақида маълумотлар берилмоқда. Хусусан, туман Баркамол авлод болалар ижодиёт маркази қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолиятида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш,

халқимизнинг азалий қадрият ва урф-одатларига нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Айниқса, марказий партия ташкилотлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, улар фаолиятини янада жонлантириш, ЎзМТДП электорати ва ижтимоий қатлами билан ишлаш усулларини такомиллаштириш, куйи бўгинлар етакчиларининг билим ва малакасини ошириш борасида туман Кенгашимиз томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди ЎзМТДП Кўнғирот туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Олимжон Емберганов. — Ўтказилаётган қатор тадбир ва ўқув-семинарларда партия электорати билан ишлашда БПТ томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган жихатлар, хусусан, партия гоясини аҳолига кучури етказишда тарғибот ишлари олиб боришнинг ноанъанавий шакллари ҳақида маълумотлар берилмоқда. Натижада куйи бўгинлар фаолиятида анъанавий шакллари ҳақида маълумотлар берилмоқда. Хусусан, туман Баркамол авлод болалар ижодиёт маркази қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолиятида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш,

Таъкидлаш жоизки, туман Баркамол авлод болалар ижодиёт маркази қошида ташкил этилган куйи бўгин ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, жумладан, ёш авлодни миллий, маънавий ва тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб вояга етказишга кўмаклашиш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. Марказда фольклор, миллий ۇнармандчиликнинг кўлаб турлари, оила ва саломатлик, экология каби 16 та тўғрақ фаоллик юритмоқда. Куйи бўгин аъзолари миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ёш авлодга ўргатиш, уларни ватанга содиқ ва ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасидаги ишларда фаол иштирок этишга интиломоқда.

— ЎзМТДП гоялари ва мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва партия атрофида ҳар жихатдан етук ёшларни бирлаштириш мақсадида бошланғич партия ташкилотимиз томонидан қатор тадбирлар ташкил этилмоқда, — дейди БПТ етакчиси Лаззат Якуббоева. — Хусусан, “Миллий маънавиятимиз ривожини баркамол авлод тарбиясида Алишер Навоий меросининг аҳамияти”, “Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда ЎзМТДПнинг муҳим вазифалари” каби тадбир ва давра суҳбатлари ёшларни маънавий меросимизнинг ҳақиқий билимдони қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, “Юртим тарихини ўрганаман” шиори остидаги “Озод юртининг обод гўшаси” мавзусидаги ёшлар фестивали кенг жамоатчиликни ЎзМТДП дастурий мақсадлари билан таништириш, партия электорати сафини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, БПТ етакчиси Лаззат Якуббоеванинг айтишича, янги истеъдод эгалларини кашф этиш мақсадида республика миқёсида ўтказиб келинаётган “Янги авлод” болалар фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига марказ ўқувчиларининг 40 нафари йўланма олиб, уларнинг 15 нафари Республика босқичи совриндори бўлишди. Бу ҳам марказнинг тиниб-тинчимас устоз-мураббийлари, яъни куйи бўгин фаоллари меҳнати самарасидир.

Ш.ДАМАНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● ПАРЛАМЕНТ

Кўмита йиғилиши

Унда Ўзбекистон Республикасининг "ТУРИЗМ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИНИНГ "ЎЗБЕКТУРИЗМ" МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ, ҚАШҚАДАРЁ, ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТЛАРИ ҲАМДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси мутасаддилари, бошқарма бошлиқлари, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари ҳокимлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, туроператорлар, туризм соҳаси ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилиши Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Маматов кириш сўзи билан очиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизнинг халқро туристик бозорига интеграциясини мустаҳкамлаш, тарихий-маданий меросни жаҳон ҳамжамиятига таништириш ҳамда турист-

ларга хизмат кўрсатиш сифатини халқро стандартлар даражасида ташкил этиш борасидаги ишлар тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. — Бу борда Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги қонуни, шунингдек, 30 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбектуризм" Миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида"ги, "2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида"ги Қарорлари мамлакатимизда туризмнинг жадал ривожланишига замин яратди, — деди нотиқ.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Буюк ипак йўли"да жойлашганлиги ва тарихий-архитектура ёдгорликлари билан жаҳон туристларини ўзига жалб этиб келмоқда. Хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби қадимий шаҳарларимиз ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида маданий мерос объектларини сақлаш ва фойдаланиш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар туризм

ни ривожлантиришга қулай имкониятлар яратмоқда. Эътироф этилганидек, ҳозирги кунда Республикада 898 та туристик ташкилот мавжуд бўлиб, шундан, 510 таси туроператорлик, 329 таси меҳмонхона хўжалиги йўналишида сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Туризмнинг ривожланишида халқро тоифага эга бўлган 5 та аэропорт, темир йўл ва автомобиль йўллари тармоқлари республикадаги барча туристик марказлар ҳамда 4 мингдан зиёд тарихий-архитектура объектлари билан боғлиқ имконини бермоқда.

2011 йилда хорижий ва маҳаллий туристларнинг сони 1 млн. дан ошди. Бу 2010 йилга нисбатан 5,4 фоизга кўп. Туристик хизмат кўрсатиш 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 8,3 фоизга ўсган. Шунингдек, бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 59,8 фоизга ошган. Туризм соҳасидан келаётган даромад ялпи ички маҳсулотнинг 1,5 фоизини ташкил этмоқда.

Ўтган йилда 124 та ташкилотга туристик хизмат кўрсатиш учун лицензия берилган, улар асосида 55 та меҳмонхона хўжалигининг фаолияти ташкил этилган. Мамлакатимизнинг туристик

салоҳиятини жаҳон бозорларида олиб чиқиш ва юртимизга келувчи туристлар оқимини кўпайтириш мақсадида 2011 йилда "Мега — инфо — турлар" таништириш сафарлари лойиҳаси амалга оширилиб, Ўзбекистонга дунёнинг 36 мамлакатидан 580 дан зиёд туристик ташкилот вакиллари ва оммавий ахборот воситаларининг туризм мавзусини ёритишга ихтисослашган 46 нафар вакили ташриф буюрган.

Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикасига 2011 йилда 4311 нафар, жорий йилнинг 5 ойида 1600 нафар чет эллик туристлар келган. 2012 йилда Қорақалпоғистон Республикасига 6 мингга яқин чет эллик туристларни қабул қилиш режалаштирилган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган 255 та, шундан 120 та археологик, 48 та меъморий ва 87 та монументал маданий мерос объектлари Вазирлар Кенгаши Қарори билан қайта рўйхатга олинган. "Саҳролар орасидаги цивилизация", "Оролга саёҳат", "Қорақалпоғистонга экотур", "Тилаклар қудуғи", "Ипак йўли мўъжизаси", "Джип-тур сафари" ва "Қорақалпоғистон қадим қалъалари" номларидаги 7 та туристик маршрутлар ташкил этилган. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасида бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, жорий йилда Эликқалъа туманидаги "Ақча кўли" ҳудудида экотуризм инфратузилмаси объектларини ташкил этиш учун туман ҳокимлиги қарори билан ер участкаси ажратилган, ammo ишлар бошланмаган.

Бугунги кунда интернет тармоғининг "Visit Uzbekistan" веб-порталида Қорақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳияти тўғрисидаги веб-сайт ташкил этиш бўйича тегишли маълумотлар тўпланмоқда ҳамда Республиканинг туристик салоҳияти бўйича реклама слайдлари ишлаб чиқилган. Ушбу реклама слайдларидан бугунги кунда етарли даражада фойдаланилмапти.

Қашқадарё вилоятида 2011 йилда 19,1 минг нафар, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 3230 нафар туристларга сайёҳлик хизматлари кўрсатилган. Бугунги кунда вилоятда 567 та маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шундан 106 таси меъморчилик объектлари, 414 таси археология мероси объектлари, 47 таси ҳайкалтарошлик санъат асарлари сифатида

рўйхатдан ўтган. Вилоятда 2003-2005 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури қабул қилинган бўлиб, уни амалга ошириш учун мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва чора-тадбирлар йўналишлар кесимида қабул қилинган, ижроси тўлиқ таъминланмаган. 2012-2015 йилларга мўлжалланган манзилли дастур тасдиқланмаган. Вилоят ҳокимлигининг 2009 йилда "2015 йилга қадар Қашқадарё вилоятида туризмни янада ривожлантириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларни кенгайтиришга қаратилган Дастур"и қабул қилинган, лекин ижро назорати олиб борилмаган.

Йиғилишда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзолари томонидан мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш, туристларга хизмат кўрсатиш ҳажмларини ошириш, соҳанинг инфратузилмасини халқро талаблар даражасига етказиш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

— Мустақил тараққийтимизнинг ўтган даври мобайнида туризм соҳасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Мухаммадиев. — Шу билан бирга мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам талабгина. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ижобий имиджини шакллантириш, унинг ноёб маънавий бойлиги ва халқимиз тарихий меросини тарғиб қилишда туризмни ривожлантиришга қўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан биридир. Шу нуқтаи назардан, туризм соҳасида халқро ҳамкорлигини ривожлантириш, мамлакатнинг жаҳон туризми аренасидаги ўрнини янада фаоллаштириш, бу борадаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига қонунцептуал ҳамда тахририй ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ҳудудлар маълумотини ошириш, мухтаassis кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, соҳанинг илмий таъминотини ташкил этиш ва ривожлантиришни кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади.

Назорат-таҳлил фаолияти якунлари бўйича кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Қамолiddин САИДУЛОВ, "Millyi tiklanish" мухбири

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Маданий ёдгорликлар — давлат муҳофазасида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам музейлар фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшларни халқимизнинг бой маданий мероси билан таништириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда вилоятда 15 давлат, 29 жамоат музейи фаолият кўрсатаётди.

— Халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими раҳбари Файзулло Зоҳидов. — Конституциямизда ҳам бу мерос давлат муҳофазасида эканлиги алоҳида белгилаб қўйилган. Ёшларни миллий истиқлол гоёси, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музейлар муҳим ўрин тутди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилётган кенг қўламли ишлар самарасида улар бутунлай янги, замонавий кўнраққа эга бўлмоқда, янги экспонатлар билан бойимқда.

Миллий адабиётимиз узок ва бой тарихга эга. Шу боис уни асраб-авайлаш, тарғиб этиш муҳим аҳамият касб этади. Қўқон шаҳрида жойлашган Фафур Фулом номидаги вилоят адабиёт музейи мазкур йўналишда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида музей кўплаб экспонатлар билан бойиди. Айни кунда унинг фондида 14 минг экспонат

сақланмоқда. Экспонатлар ичида икки мингдан ортиқ араб, форс ва туркий тиллардаги ноёб кўлэмалар, шунингдек, кўплаб тошбоша китоблар, шоир ва ёзувчиларнинг архивлари, ноёб фотосуратлар бор.

Музейда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг асар ва девонлари нусхалари сақланмоқда. Шунингдек, ундан хаёти ва ижоди Қўқон билан боғлиқ бўлган олти миш нафардан зиёд ижодкорнинг фаолияти ҳамда адабий меросига оид қизиқарли экспонатлар ҳам жой олган. Улар орасида XV ва XVI асрларда китобат қилинган кўлэмалар ҳам бор.

Музей директори Абдулатиф Турдалиевнинг айтишича, ушбу маънавият ва маърифат масканида мустақиллик даври адабиётини кенг тарғиб қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда илмий-адабий анжуманлар, учрашувлар ўтказилиб, илмий тадқиқотлар олиб борилаётди. Талабалар, коллеж ва мактаб ўқувчилари иштирокида турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Музейда фарғоналик ижодкорларнинг истиқлол йилларида нашр этилган асарлари билан ҳам танишиш мумкин.

Мухтасар айтганда, бу даргоҳ чет эллик меҳмонлар ва юртдошларимизни бой маданий меросимиз билан таништириш, ёшларни ватанпарварлик, миллий қадрият ва аъналаримизга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

● ТАРҒИБОТ

Асосий Қонунимиз — инсон ҳуқуқлари кафолати

Халқимиз хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлган мамлакатимизнинг Бош қонуни қабул қилинган кун тобора яқинлашаётган бир пайтда жойларда мазкур сана муносабати билан турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Андижонда "Ўзбекистон Республикаси мудофаа ва хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини таъминлаш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан, ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси Ахтам Турсунов, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашда тегишли конституциявий-ҳуқуқий базанинг муккамал бўлиши муҳим аҳамиятга эга, — деди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий норматив-ҳуқуқий манба сифатида доимий миллий манфаатлар ва фундаментал принципларни, нормаларни ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий масалаларига тааллуқли мафкуравий йўл-йўриқларни белгилаб беради. Мохиятига кўра, ижтимоий муносабатларнинг муайян масалалари бўйича ҳар

бир модда асосий субъект — инсон, жамият, давлатни ҳимоя қилишга қаратилгандир. Конституция асосида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида миллий хавфсизликни ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини шакллантирувчи қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилади, — деб алоҳида таъкидлади тарғибот раҳбари.

Давра суҳбати очик мунозара ва савол-жавоб тарзида ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва ҳарбий қисмлари ва миассасаларининг ҳарбий хизматчилари, бир қатор олий ўқув юрталари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг профессор-ўқитувчилари, Андижон вилоятидаги ўқув юрталарининг тинловчилари, "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Яққабғ туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси, ЎзМТДП фракцияси ҳамда партия Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилинганлигининг 20 йиллиги: Конституция — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кафолати" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партияимиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши фаоллари, тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов истиқлол йилларида юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликларини олий қадрият даражасига кўтариш борасида эриш-илган ютуқлари, Андижон вилоятидаги ўқув юрталарининг тинловчилари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини алоҳида эътироф этди.

Йиғилишда маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси де-

путатлари Конституциянинг жамият ҳаётида тутган ўрни, мазмун-моҳияти, кўп асрлик аънава ва бу борадаги жаҳон тажрибасига эътибор қаратдилар.

— Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларни тиклаш, демократик жамият барпо этиш, шахс эркинлигини таъминлаш, жамият ва давлат манфаатларининг муштараклигига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси раҳбари У.Мухаммадиев. — Таъкидлаш жоизки, ўсиб келаётган ёш авлодни Конституцияга ҳурмат, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, Бош Қомусимизни чуқур ва ҳар томонлама пухта ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш орқали ҳаётимизнинг амалий қўлланмасига айлантиришга қўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадларидан саналади. Мазкур тадбир юксак билимга эга, янгиликка интилувчан, ташаббускор ёшларни кўлаб-қувватлаш, сиёсий етуқ ёшлар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Давра суҳбатиде "Конституция — мамлакатимиз тараққийотининг ҳал қилувчи омили" мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Эшмуродов мустақилликдан сўнг ўтган даврда мамлакатимизда конституциявий тузумни мустаҳкамлаш, қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш принциплари амал қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётганига алоҳида тўхталиб ўтди.

К.ХОТАМОВ, "Millyi tiklanish" мухбири

● ШАХМАТ



Рустам Қосимжоновнинг галабаси

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида давом этаётган Халқро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-приси иккинчи босқич баҳсларининг бешинчи турда гротсмейстеримиз Рустам Қосимжонов галаба қозонди.

Халқро шахмат федерацияси, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақада дунёнинг энг кучли ўн икки нафар шахматчиси дона сурмоқда.

Шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони, XVI Осие ўйинлари ғолиби Рустам Қосимжонов ФИДЕ Гран-приси иккинчи босқич баҳсларининг аввалиги тўрт партиясида дуранг ўйнаган эди. Бешинчи турда шахмат бўйича Осие чемпиони хитойлик Ванг Хаога қарши дона сурди.

Ванг Хао аввалги турларда уч дуранг ва бир галабага эришиб, турнирга яхши спорт формасида келганини намойён этган эди. Қолаверса, Р.Қосимжоновга қарши оқ доналарда ўйнаш унга қўшимча устунлик берарди.

Аmmo юксак ақл-идрок ва қўратини ишга солган шахматчимиз хитойлик рақибини мот қилди. Ушбу галабадан сўнг жами уч очко тўплаган Р.Қосимжонов мусобақа пешқадамлари сафига қўшилди. Энди шахматчимиз навбатдаги турда америкалик Гата Камскийга қарши ўйнайди.

Бешинчи турда Гата Камский исроиллик Борис Гельфандни, украиналик Руслан Пономарёв россиялик Александр Морозевични мағлубиятга учратган бўлса, озарбойжонлик Шахриёр Мамадиёров ва италиялик Фабиано Каруана, россиялик Сергей Карякин ва венгриялик Петер Лекко ўртасидаги баҳсларда кучлар тенг келди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири

МАЪНАВИЯТ

● КЎРГАЗМА

Янги кулолчилик музейи

МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИК ТАРИХИНИ ЧУҚУРРОҚ ЎРГАНИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Самарқанд давлат музей қўриқхонаси жамоаси юртимизга хос хунармандчилик аъёнларини намойиш этиш мақсадида "Самарқанд кулолчилиги" музейи ҳамда "Ўзбекистонда ёзув тарихи" музей қўргазмасини ташкил этди.

Уч минг йиллик тарихга эга Самарқанд кулолчилик мактаби жаҳон миқёсида алоҳида эътироф этилади. Чунки кулолчилик санъатининг йирик маркази ҳисобланган Самарқандда VIII аср охиридан бошлаб сирланган сопол идишлар ишлаб чиқариш ривожлана бошлаган. Афросиёб тепаликларидан топилган қадимги буюмлар эса бугун дунёдаги энг нуфузли музейларнинг кўркига кўрк қўшиб турибди.

Археологик қазималардан маълум бўлишича, Афросиёб шаҳарчасида бир неча кулоллар маҳалласи бўлган. Кулоллар кундалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга ўзаро тажриба алмашиб, ўша даврга хос антиқа ва ноёб кулолчилик буюмларини ясаган. Афросиёб сирланган кулолчилиги ўзининг бадий ва техник мукамаллиги, сопол парчаларининг ранг-баранглиги ҳамда бўёқларнинг юқори сифатлиги, шакл ва безакларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради.

Самарқанд кулолчилик мак-

табининг тарихий йўли бир неча босқичларга бўлинади. Масалан, X асрдан бошлаб идишларга безак берилди бошланган. XII-XIII асрларга келиб эгиптада геометрик шакллар қўлланилди. XIII-XIV асрлардан кейин кулолчиликда тасвирий орнамент, яъни гул ва ўсимликлар тасвирини тушириш урфга кирди. XIV-XV асрларда кулолчилик безакларидаги ўзгариш ва бўёқларнинг бирбирига мос келишида Хитой кулолчилик санъатининг ҳам ўзига яраша таъсири бор. XVIII-XIX асрларда бадий кулолчиликдаги усуллар алоҳида марказлар ичига жойланган. Мазкур усулларнинг аввалгиларидан фарқи нисбатан кичик ва мукамалроқлигидадир.

XIX аср охири XX аср бошларида санъат ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши натижасида юртимизда бадий хунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёж деярли қолмади. Натижада бир қатор йирик шаҳарлар каби Самарқанд сирланган кулолчилиги ҳам хос аънавий шакллар ҳам

унутилди. Ҳозирги кунда шахримизда 14 та кулолчилик устахонаси фаолият юритиб келмоқда. Самарқандлик машҳур уста-кулол Умар Жўрақулов аънавий кулолчилик маҳсулотларидан ташқари кулолчиликда янги йўналиш ҳисобланувчи декоратив пластика ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланади. Унинг этагини тутган шогирд ва издошлари Ўзбекистон Бадий академияси академиклари Худойберди Ҳақбердиев ва Шариф Азимов Самарқанд кулолчилиги, хунармандчилик мактабининг муносиб давомчиси сифатида ёшларга хунар сирларидан таълим бериб келишмоқда.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, кулолчилик аждодларимиз маданий меросининг энг ёрқин намунаси, десак муболаға бўлмайди. Оддий сопол идишлар, эски ҳаммомлар учун қўлланилган сув қувурлари, кейинчалик сопол буюмларга безаклар берилиши, уларга турли битик ва номалар ёзилиб, соғва тариқасида берилиши фикримизга далилдор.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Самарқанд давлат музей-қўриқхона бўлим mudiri,
Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Комиллик халқимиз томонидан азалдан маънавий ва руҳий етуклик мезони сифатида эъзозлаб келинган. Юксак салоҳиятлик, китобсеварлик, илми, касб-хунари ва тарбияли бўлиш, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, ҳалоллик, хушмуомалалик ва саҳийлик каби фазилатлар комилликнинг шартлари сифатида улуғланади.

Комил инсон гоёси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этувчи, уни ҳамisha эзгуликка ундайдиган олижаноб гоё бўлиб, умиллий истиқлол мафкурасининг узвий қисми ҳисобланади. Зеро, Президентимиз ҳам ўз асарлари ва маърузаларида комил инсон тушунчасига қуйидагича таъриф берган: "Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эътибор қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз".

Дарҳақиқат, билимлик ва маърифатлик бевосита китоб ва китобхонлик билан чамбарчас боғлиқдир. Доимий равишда китоб билан ошно бўлган киши ўз-ўзидан комиллик сари боради, маърифат булоғидан баҳраманд бўлади. Китобхонлик асосида мушоҳада ва мулоҳаза юритиш иқтидорини шаклланди, фикр чарчанади, теранлашади. Китобхонликда инсоннинг маънавий комиллик даражаси акс этиб туради.

Ўзбек оилаларида китобга муҳаббат, китобни асраб-авайлаб сақлаш ва китобхонлик қадимий аъёнлардан бўлиб, халқимиз маънавий камолотида мумкин ўрин тугиб келаётган. Китобхонлик маънавий комиллик асосларидан саналар экан, халқимизнинг ўзи қадар қадимий тарихга эга. У фазилат сифатида оила муҳитида шаклланиб, яъни, дастлаб халқ бахшилари ва қиссахонларнинг оилавий давраларида, тўй-маъракаларда, зиёфат ва гап-гаштакларда қуйилган дostonлари, айтган қис-

● МАЪРИФАТ БУЛОҒИ



Китобхонлик — миллат маънавияти зийнати

салари, бобо бувижонларнинг болажонларига айтган эртақларини мароқ билан тинглаш тарзида шаклланиб, бундан ташқари китобга, маърифатга яқин инсонлар даврасида шеърхонлик кечалари уюштирилган. Навоий, Бобур Бедил, Машраб каби шеърят султонларининг асарларини оила давраларида сурурли мушоҳада ва муҳокамалар билан мутолаа қилиш замирида навоийхонлик, яссавийхонлик, бедилхонлик, машрабхонлик сингари китобхонлик аъёнларини шаклланди. Бундай давраларнинг уюштирилиши натижасида китобхонлик, асарларни бошидан охири ёд олган китобхонлар етишиб чиққан.

Албатта, китобга меҳр ёшлиқдан, болаликдан уйғониши зарур. Бунда оилавий муҳит катталарнинг китобга муносабати муҳим ўрин тутади. Китоб мутолаа қилинадиган, улуғланадиган ва асраб-авайланадиган оила муҳити унда камол топаётган фарзандлар тарбиясига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мисол тариқасида кўплаб шоир, ёзувчиларимизнинг ўз хаёти ва болалик чоғларини эслаб гапирганларини айтишимиз мумкин. Биргина Ҳамид Олимжон хаёти олиб қарайдиган бўлса, унда шоирлик истеъдодининг уйғонишида "болалик кунларида, уйкусиз тунларида" бувиси сўйлаб берган эртақларнинг ўрни бекиёслигини англаш қийин эмас. Ота-боболаримиз

китобни шу қадар улуғ муҳаббат ила ўқиган, асраб авайлаган, унга чинакам ихлос ва меҳр билан қараган, китобдаги сўзни муқаддас билиб иймон-этиқодини мустаҳкамлаган. Ҳатто, китобни оёқ билан босишни катта гуноҳ деб билишган. Шу тариқа китобсеварлик ота-боболаримизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ўз маънавий оламни маърифат ила зийнатлаш йўлида меҳнат қилган боболаримиз орасидан Имом Бухорий, Термизий, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Қошғарий, Мотуридий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Машраб, Оғаҳий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий сингари жаҳон маърифат майдонида доврўи кетган мутафаккиру даҳо китобхонлар етишиб чиққан.

Бир дугонан талабалик давримизда уч томдан иборат "Ўзбек халқ эртақлари"ни сотиб олган эди. Қўрган-билган курсдошларимиз хайрон бўлиб, "Бунча томлик эртақларни нима қиласиз?", дейишганида, келажакда фарзандларини ёшлигидан китобга ошно қилиб ўстиришини, эртақлар ўқиб бериш орқали уларнинг маънавиятини бойитишини айтган эди. Унинг гапларини эшитганлар ундан фарзандлари камолини ўйлайдиган яхши оила, маънавиятли аёл қизишини айтишган. Ҳали энди турмуш ёшига

етган талаба қизнинг келажакини ўйлаб қилган бу ишини фидойилик дейиш мумкин. Тўғрида, ҳали оилали, фарзандли бўлмасдан туриб бўлажак болаларининг комиллиги йўлида ҳаракат қилиш ҳаммининг ҳам ўйида бўлавермайди.

Инсоннинг китобсевар бўлиб улгайишида, маърифатли, маънавиятли, комил инсон бўлиб етишишида оила ва ота-оналарнинг ўрни ниҳоятда катта. Китобхонлик ҳам меҳнатдир. У инсон маънавиятини юксалтирадиган, ақлий меҳнат сифатида катта кунт ва сабр-бардошни талаб этади. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбига мана шу сабр ва китобга нисбатан меҳрини ота-оналар, аввало, ўзлари намуна бўлиб уйғотишлари лозим. Зеро, қуш уясида қўرғани қилади, деганларидек, шахсий намуна ва муносиб ўрнак фарзандлар тарбиясида, албатта, ўз аксини топади.

Абзорот асри дег таърифланаётган айна даврда телевизор, радио, компьютер, интернет тармоғи сингари замонавий ахборот коммуникация технологиялари ҳар бир жабҳада қулайлиги ва тезкорлиги билан ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Аммо китоб ҳамма замоналарда ҳам халқимиз маънавиятининг зийнати бўлиб қолаверади.

Мухтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

● ХУНАРМАНДЧИЛИК

Сулола давомчилари

Аъзамжон учун темирчилик ота касб. Тиниб-тинчимас йигит ўзи севган хунармандчилик касбининг сир-асрорларини Ҳайдарали амакидан кунт ва чидам билан ўрганди. Эндиликда Фарғона вилояти Богдад туманидаги Қирқабди қишлоғида яшовчи саккиз миндан зиёд аҳоли бу авлод вақилларини уста хунармандлар сифатида яхши билишади.

Темирчилар сулоласининг учинчи вакили Аъзамжон Ҳайдаралиев мана йигирма йилдирки, ота-боболарининг касбини эъзозлаб кам бўлмади. Темирчилик болғасини қўлидан ташламади. Унинг нони бутун, турмуши фаровон. Ҳалол меҳнати туфайли эл-юрт хурматини қозониб келяпти.

Мабодо, қишлоқнинг қоқ марказида жойлашган мўъжазгина устахонага йўлингиз тушиб қолса, "Ҳайдарали ота" цехи саҳнидаги тартиб билан териб қўйилган мослама ва дастгоҳлар, шунингдек, болға, омбир, эгов каби темирчилик асбобларининг йигирмага яқин турини кўриб ҳавас қиласиз.

Шинам ва ёруғ хонанинг бир чеккасида таъмирдан чиқарилган уй-рўзгор буюмларига кўзингиз тушиб беихтиёр устга таҳсинлар айтасиз. Улар орасида ўтган асрда фойдаланиб келинган қадимги миллий хунармандчилик буюмлари ҳам талайгина.

Цехга кираверишда бизни ўзига оқ яқтаги ярашиб турган Аъзамжон очиқ чехра билан кутиб олди ва эгнига халатни кийиб ишга киришиб кетди. Унинг диққат-эътибори навбатдаги ишини охирига етказишга қаратилганди. Уста чўгда қиздирилган пўлат парчасини сандон устига қўйиб ишлов бераркан, олов тафтада пешонасидан сезилар-сезилмас тер қуюлиб келар, унинг сидқидилдан меҳнат қилаётганлиги сезилиб туради. Сандон устидаги хомашёга урилаётган болғанинг зарбидан атрофга чўғ сачрар-

ди. Кейин бўлажак буюм чархда силликланиб сувда совутилган, уста ҳафсала билан нафис безаклар бера бошлади. Секин-аста буюм янги кўриниш касб этди. Уста уй-рўзгор учун зарур бўлган миллий хунармандчилик буюми тайёр бўлгунча тиним билмади. Пичоқ тайёр бўлган, чехраси ёришиб, баҳри-дили очилиб кетди. Пешонасидаги терни артаркан, ўз ишидан мамнунлигини унинг юз-кўзларидан сезиш қийин эмасди.

Пичоқ — кундалик турмушимизда ризқ-насиба учун қўлланиладиган миллий хунармандчилик буюмларидан бири саналади. У нафақат уй-рўзгорда, балки азал-азалдан йигитнинг орномуси ва обрў-шаъни сифатида белга осиб юрилган. Қолаверса, хавф-хатардан ҳимояланиш воситаси ҳамдир.

Ўз касбининг моҳир устаси Аъзамжон Ҳайдаралиев миллий хунармандчилик буюмларини тайёрлашнинг ҳадисини олган. У ишининг кўзини билишдан ташқари ҳар бир буюртмачи кўнглини ҳам билади. Агар чехга қадам ранжида қилган киши тайёр ҳолга келтирилган ўз буюртмасини олганидан баҳри-дили очилиб, мамнун бўлса, устанинг ҳам чехраси ёришиб бутун чарчоғини унутади. Шунингдек, уста буюртмачининг ёши, талаб ва истақларига ҳам алоҳида аҳамият беради. Ҳаммаси ниятга боғлиқ.

Устози Ҳайдарали бобо Мамарасулов қирқ йилдан зиёд темирчилик касбини эъзозлаб кам бўлмади. Ҳовли ва келин тўйлари

ўтказиб элга ош берди. Кам таъминланган оилаларга муруват кўрсатиб келди. Бу ҳақда отахон камтаринлик қилиб уларни номма-ном санаб ўтирмади. Эндиликда унинг касбини фарзанди ва неваралари давом эттиришмоқда. Кичик ўғли Адҳамжон Ҳайдаралиев ҳозирда Жиззах вилояти Галлаорол туман марказида устахона очиб ўғли Мўминжонни ёнига олди. Баҳождир, Шукур ва Шералилар Пахтакор туманида устахона очилган. Улар элнинг оғирини енгил қилишиб, биргина шу йилнинг ўтган тўққиз ойида режадан ташқари 130 минг сўмдан зиёд хунармандчилик буюмлари тайёрлашга муваффақ бўлишди. Адҳамжон Ҳайдаралиев ўзи тайёрлаган уй-рўзгор буюмлари билан "Ташаббус-2011" кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этишга муваффақ бўлган.

Маҳаллий хунарманд эгаларининг тайёрлаётган уй-рўзгор буюмлари ўзига ҳам бўлиб, шакли ва турли-туман беағи билан ажралиб туради, - дейди Фафур Фулом номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳор Жумабоева. — Улар аждодларига муносиб ворис бўлиши учун маҳсулотларини янгича қарашлар ва замонавий йўналишлар билан бойитиб бормоқдалар.

Айни кунда хунармандлар устози Ҳайдарали бобо Мамарасулов саксон ёшдан ошган бўлса-да, тетик ва бардам. У вақти-вақти билан шогирдлари ҳузурда бўлиб, уларга йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериб туришдан чарчамайди. У турмуш ўртоғи Тамара ая билан беш нафар фарзандни тарбиялаб, жамиятимизнинг муносиб кишилари қилиб етиштиришди. Ҳозир 15 нафар невар ва 20 дан зиёд чеваралар оғушида шукронали билан кексалик гаштини суришмоқда.

Абдулла САИДОВ

● ТИББИЙ ХИЗМАТ

Она ва бола саломатлиги

САРДОБАДА УНГА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ҚАРАЛМОҚДА

Мамакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда ҳар томонлама етуқ ва баркамол янги авлодни камол топтиришни кўзда тутмади. Ана шундай хайрли мақсадлар йўлида юртимизда дастлаб соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Бу борада махсус Давлат дастурлари қабул қилиниб, замонавий стратегик йўналишлари аниқ-равшан тарзда белгилаб берилди. Юртимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхши ташкилий тизимаси яратилиб, мазкур тузилма бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктларидан бошлаб, аҳолига замонавий андозаларга мос, юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатадиган, ихтисослаштирилган тиббий марказларга қамраб олинди. Бу ютуқлар пойтахтимизда бўлиб ўтган йирик халқаро анжуман иштирокчилари томонидан тан олинди ва Ўзбекистонда тиббий соҳасида эришилган натижалар дунёнинг бошқа давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Сардоба тумани Сирдарё вилоятининг марказдан олис, чўл

худудларидан саналади. Аммо туллари қабул қилиниб, замонавий стратегик йўналишлари аниқ-равшан тарзда белгилаб берилди. Юртимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхши ташкилий тизимаси яратилиб, мазкур тузилма бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктларидан бошлаб, аҳолига замонавий андозаларга мос, юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатадиган, ихтисослаштирилган тиббий марказларга қамраб олинди. Бу ютуқлар пойтахтимизда бўлиб ўтган йирик халқаро анжуман иштирокчилари томонидан тан олинди ва Ўзбекистонда тиббий соҳасида эришилган натижалар дунёнинг бошқа давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Бундан ташқари, маънавий ва руҳий етуклик мезони сифатида эъзозлаб келинган. Юксак салоҳиятлик, китобсеварлик, илми, касб-хунари ва тарбияли бўлиш, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, ҳалоллик, хушмуомалалик ва саҳийлик каби фазилатлар комилликнинг шартлари сифатида улуғланади.

Туманда "Соғлом она - соғлом бола" тамойилига мувофиқ оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳомиладор аёлларни перинатал скрининг текшируви билан қамраб олиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Туғиш ёшидаги аёллар тез-тез малакали шифокорларнинг тиббий кўригидан ўтказилади. Кўрик жараёнида хасталиги аниқланган аёллар шифохона ва ам-

булаторияларда даволаниб, саломатликларини тиклашмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларда шифокорлар томонидан оилада тиббий маданиятни ривожлантириш, эрта никоҳ қуришнинг салбий оқибатлари, она-бола саломатлиги, соғлом фарзандлар туғилишини таъминлаш борасидаги давра суҳбатлари ва тушунтириш ишлари ўзининг ушбойий самарасини бермоқда. Бу борада туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхона комплекси mudiri, тажрибали гинеколог Гулнора Қувратова, терапевт врачлар Марям Исмомилова, Иқбол Бурҷонова, Лола Турсунова кабилар алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Соҳа вақиллари бутун диққат-эътиборини "Соғлом она — соғлом бола" Дастурини амалга ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратаётгани боис, туманда оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида катта ютуқлар кўлга киритилмоқда. Хусусан, оилада тиббий маданият юксалиб, хавфли, юқумли хасталиклар кескин камайди. Болалар ўртасида учраётган дифтерия, қоқшол, полиомелит каби касалликларга бутунлай барҳам берилди.

Саломатлик — энг катта неъмат. Сардобалик тиббийёт ходимлари "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш ҳамда миллат генофондини мустаҳкамлаш ва яхшилаш борасида ана шундай хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Анорбой НОРКУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЖАРАЁН

Хунар — қизлар зийнати

Хотин-қизларнинг касб-хунар ўрганиши уларнинг оилада ва жамиятда ўз мавқеига эга бўлиб, ижтимоий фаоллиги орттиришида муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда эса кўп масалага устувор эътибор қаратишмоқда. Хусусан, бўлғуси оила бекалари — қизларнинг ўз иқтисодори ва лаёқатига кўра касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини тобора кенгайтирмоқда.

Тошкент шаҳридаги "Махшур" ўқув марказининг Қарши филиали 2006 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунгача ушбу марказда 15 миңдан зиёд хотин-қиз қандолатчилик, бичиш-тиқиш, парда тиқиш, компьютер сабоқлари, тўқиш, сартарошлик, уй ҳамшираси каби курсларни муваффақиятли تامомлади. Ҳозир уларнинг салмоқли қисми ўрганган хунари орқали даромад топиб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшаётир. Улар орасида ўз бизнесини йўлга қўйганлари ҳам бор. Қизлар ўртасида сўнгги пайтларда либослар дизайни ҳамда қарвинг санъати-га қизиқиш тобора ортиб бораётгани шубҳасиз, марказда ушбу йўналишларда ҳам ўқув курслари ташкил қилинди.

Кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчилардан хунар ўрганиш истагида марказга келаётган қизларнинг сафи узилмайди.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(УзА)
олган суратлар



● ХАЛҚАРО ФОРУМ

Оила ва болалик

ҲАМИША ҲИМОЯДА

Пойтахтимизда "Жамиятнинг оила ва болаликни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидаги руҳий-маънавий асослари" мавзусига бағишланган халқаро форум бўлиб ўтди.

"Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилиги болалар жамғармаси (РЖБЖ) ва республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ), ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган форумда юртимиздаги турли вазирилик, идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари, педагоглар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар, мутахассислар, экспертлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Форумнинг ялпи мажлисидаги маъруза ва бошқа чиқишларда қайд этилганидек, ҳар икки жамоатчилик ташкилотлари оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган болалар ҳуқуқини ҳимоялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим бериш, тиббий хизмат кўрсатиш, истеъдодларга қанот бўлиш, имконияти чекланган болаларга тегишли шарт-шароит яратиш юзасидан эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Жамғарма ўз фаолияти давомида асосан оилавий шароитлар туфайли юзага келадиган турли хил муаммоларни ҳал

қилишга кўпроқ эътибор қаратади. Хусусан, жамғарма юртимиздаги 25 та Меҳрибонлик уйлари, 13 та Гўдак уйлари, 88 та ихтисослаштирилган интернат тарбияланувчилари билан ишлашда, уларнинг ривожланиши, таълим олиши ва қулай шароитда улғайишлари, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, касбий йўналиш ва ижтимоий мослашувида, малакали тиббий ва психологик-педагогик ёрдам олиш каби масалаларни ҳал этиш билан шугулланиб келмоқда. Масалан, Халқ таълими вазирилиги билан ҳамкорликда Меҳрибонлик уйлари тузилмаларига ижтимоий-психологик ва педагогик кузатув хизмати жорий қилди. ЮНИСЕФ ҳамкорлигида эса Меҳрибонлик уйлари учун болаларни боқиш ва уларнинг яшашлари юзасидан шароитларни белгиловчи стандартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Маҳаллаларда ташкил этилган "Ота-оналар университети", ўқув юртида очилган "Ораста қизлар" тўғарақлари, оила-маҳалла-таълим ҳамкорлиги кўп асрлик маънавий таянчга эга бўлиб, ота-оналар, ёшлар орасида маданий-маърифий, ҳуқуқий билимларни тарқатишда муҳим ўрин тутди.

Имконияти чекланган болаларни соғлом болалар билан бирга умумтаълим муассасаларида ўқитиш ва тарбиялаш амалиётини янада ривожлантириш, болаларнинг оила муҳитида ҳар

томонлама камол топишини таъминлашга қаратилган қатор тадбир ва сўй-ҳаракатлар ижобий самаралар бермоқда. Буни кейинги вақтларда Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар сонидан ҳам билса бўлади.

Форумнинг "Жамоатчилик оинининг руҳий-маънавий асослари — болалар, ёшлар ва оилалар ижтимоий фаровонлигининг негизи сифатида", "Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ижтимоийлашуви, интеграцияси механизмларини руҳий-маънавий кадрлар асосида такомиллаштириш", "Болалар ва оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида деинституционализацияни илгари суриш истиқболлари", "Оилани мустаҳкамлашнинг руҳий-маънавий асослари — болалар ўртасида қаровсизлик ва қонунбузарликни олдини олишнинг устувор йўналиши сифатида" каби масалалар секцияларда атрофлича муҳокама қилинди.

Форумнинг умумий мажлислари, секциялари ҳамда республика болалар ижтимоий мослашуви марказида бўлиб ўтган мастер-классларда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлардан келган мутахассислар, экспертлар ҳам оила ва болаликни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими бўйича турли масалалар, инновацион тажрибалар бўйича қарор қабул қилишларда қатнашди. Ўзбекистонда оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялашга оид миллий модел асосида эътирофга лойиқ ўзгаришлар содир бўлаётганини таъкидланди. Форум иштирокчилари халқаро мижёсида оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси йўналишида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўз тақлифларини билдирдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

● ОГОҲЛИК

Юртимизда турли русумдаги автомашиналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Қувонарлиси, ўзимизда жажон талабларига жавоб берадиган юк, микроавтобус ва енгил турдаги автомашиналар ишлаб чиқилиб, чет давлатларга экспорт қилинмоқда. Бундай ютуқлар таҳсинга лойиқ, албатта. Одатда машина ҳайдаётган кишининг ишати кўзлаган манзилга тезда етиб олишдан иборат бўлади. Ўз автоуловларини кўз қорачигидай эҳтиёт қилиб, гард юқтирмайдиганлар ҳам кам эмас.

Автомобилингизни техник назоратдан ўтказдингизми?

АКС ҲОЛДА...

Яна шундайлар ҳам борки, машина бўлганидан кейин уни фақат хайдаш керак, деб ўйлашади. Машинада тежор ишонага етиб олсалар ёки меъёрига қарамай тонна-тонна юкларни белгиланган ҳолатда ташишга буюрди. Баъзида маблагни, маблаг топила вақт йўқлигини сабаб қилиб ишлаб чиқарувчи корхоналар тавсиясига асосан бажарилиши зарур бўлган техник қаровларга ҳам жиддий қарашмайди. Бу эътиборсизлик бир кун келиб кўнгилсизлик туғдириши мумкинлигига эътибор беришмайди.

Агар таҳлилларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даврида республикада автомашиналарнинг у ёки бу техник носозликлари оқибатида юзага келган ёнгинлар сони 454 тани ташкил этиб, фуқаролар ундан 1 млрд. 343 млн 910 минг 866 сўм миқдорда моддий зарар кўрганлар. Ачинарлиси, ушбу ёнгинларда 34 нафар киши турли даражада тан-жароҳати олган бўлса, 2 нафари бевақт ҳаётдан кўз юмган.

Таъкидлаш жоизки, автомашиналардаги ёнгинларнинг 99 фоизи электр симларининг носозлигиндан содир бўлмоқда. Машинанинг техник кўрик мuddати анча ўтган бўлса ёки мутахассислар назоратсиз турли қўшимча мос-

ламалар ўрнатилса, унинг электр тизимлари қизиқ кетиши натижасида қисқа туташув содир бўлиб, кўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин. Масалан, жорий йилнинг 10 январь кунин Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар, Буюк Ипак Йўли кўчасида ҳаракатланиб кетаётган «Шер» МЧЖга қарашли «Узо-тайл» русумли, д/р. 30 451 КАА бўлган автобус электр симларининг қисқа туташуvidан ёнгин чиқиб, автомобилнинг мотор ва салон қисми зарарланган.

3 апрель кунин Андижон вилояти Хонобод шаҳар, А.Фитрат тумани «Гуруч-мозор» нефть-газаси ҳайдовчиси Қ.Бобоев бошқарувидаги «Газ-5304» русумли, д/р 60 534 FAA бўлган ёқилги ташиш автомашинасининг электр симлари қисқа туташуvidан ёнгин келиб чиққан. Хайриятки бу вақтда автомобиль АЕҚШ ҳудудидан чиқиб улгурган. Йўқса, оқибати яна ҳам фожиалироқ бўлиши мумкин эди.

24 апрель кунин Хўжайли тумани «Энергетик» кўчасида ҳаракатланиб кетаётган фуқаро М.Тангиров бошқарувидаги «Нексия» русумли д/р 23 Л 85 39

бўлган автомобилнинг мотор қисмидаги электр симларнинг қисқа туташуvidан мотор ва салон қисми ёниб, зарарланган.

Машинани асосий ҳаракатлантирувчи восита — ёқилги саналади. Ёқилги, бу бензин бўладими, дизель ёки табиий газ бўладими, салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса, дарҳол ёниб кетишига олиб келади. Бундай пайтда ҳайдовчининг машинасида ёнгин ўчиргич бўлса, бир амаллаб ўчириб олар, акс ҳолда машина кулга айланиши ҳеч гап эмас.

Жорий йилнинг 22 август кунин Андижон вилояти Қаштабод тумани, "Маданият" ҚҲТ ҳудудидаги автомобилларни таъмирлаш хусусий устaxonасида таъмирланаётган фуқаро А.Абдураҳмоновга тегишли бўлган «Тико» русумли, д/р. 60 Е 034 DA автономили пайвандаш ишлари вақтида эҳтиётсизликдан ёнгин содир бўлиб, бирламчи ёнгин ўчиргич воситаси билан таъминланмаганлиги натижасида тўлиқ ёниб кетган. Афсуски, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ҳар бир ҳайдовчи автомашинасини махсус устalar кўригидан ўз вақтида ўтказиб, электр ва ёқилги тизимларини ўрнатишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилса, машиналарида ёнгин ўчиргичлар олиб юриб, уларни ишлатиш қоидаларини мукамал билса, бундай офатларнинг олди олинган, сони кескин камайган бўлар эди.

Умидхўжа АКРАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ ТВФНЭБ муҳандиси, майор

Ёнгиннинг олдини олиш кафолати

Қировли кунлар ва иситиш мавсуми бошланиши, шунингдек, Янги йил байрами арафасида ёнгинлар хавфи янада ошади. Айниқса, янги қурилаётган биноларнинг ёнгиндан асраш, ёнгинга қарши хавфсизлик чораларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг 20 ноябрдаги фармойишига биноан Тошкентда ҳар йили ўтказиладиган Ёнгин хавфсизлиги ойлиги қизгин давом этмоқда.

Хусусан, ҳозир Яккасарой тумани ёнгин хавфсизлиги бўлиmlари мутахассислари ҳам ёнгин

хавфсизлиги бўйича ҳойларда тушунтириш ишлари олиб бормоқда, корхоналар, ташкилотлар, ёнгинлар хавфи янада ошади. Айниқса, янги қурилаётган биноларда яшовчи аҳоли билан суҳбатлар ўтказилиб, бунда йирик санoат корхоналари ва уй-ҳойларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш зарурлиги таъкидланмоқда.

Носоз электр мослама ёки маиший техникани таъмирлаш, тез ёнадиган материалларни иситиш қурилмаларидан узоқроқда сақлаш каби ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этил-

са, кўплаб фожиали ҳолатларнинг олди олинади. Кўпинча одамлар ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш нафақат ўзи ва мол-мулки, балки кўни-қўшинлари ҳаёти учун ҳам хавф солишини англаб етмайди.

Ёнгинлар кўпинча одамлар саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солади, катта моддий зарар етказиши мумкин. Шу боис ёнгинга қарши ҳимоя чораларини кўриш нафақат давлат, балки ҳар бир фуқаро олдидаги мажбуриятдир.

Элшод ФАТХУДИНОВ,
Яккасарой тумани ИИБ ЁХБ инспектори

● ТИББИЙ ХИЗМАТ

Эл саломатлиги — бебаҳо бойлик

Бугун замонавий тиббиётнинг имкониятлари кенг. Сўнгги йилларда соҳада олиб борилаётган амалий ишлар ва тибб ислохотлар замирида инсон саломатлиги, уни мустаҳкамлашдек мақсадлар ётади.

Белгиланган давлат дастурлари доирасида турли саломатлик марказлари, поликлиникалар, замон талабларига мос қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга ҳам жиддий эътибор қаратилиши натижасида тиббиёт бirlашмалари жаҳон андозасига мос техника ва технологиялар билан жиҳозланиб келинмоқда. Бу эса аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, сифатли тиббий

хизмат кўрсатишини янги поғоналарга олиб чиқишни таъминлади, десак муболаға бўлмайди. Миришкор туман Помук 2-сон шифохонаси ҳам аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг репродуктив саломатлигини сақлаш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз вақтида аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасаларда тиббий кўрикнинг ўтказиб борилиши доимий назоратда. Бунинг натижаси ўларoқ, аҳоли саломатлиги тобора мустаҳкамланиб, ижобий кўрсаткичларга эришиляпти.

— Бизнинг шифохонамиз 135 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда тез тиббий ёрдам, жаррохлик, туғруқхона, болалар бўлими, поликлиника, жонлантириш, терапия ва юкумли касалликлар бўлими билан беморларнинг шифо топиб кетишлари учун ишлаб турибди, — дейди тез тиббий ёрдам бўлими бош шифокори Зойир Қурбонов. — Булимизда кичик, ўрта ва олий тоифали шифо-

корларимиз ун икки нафар бўлиб, мурожаат қилган ҳар бир беморни астойдил даволаш йўлида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Беморларнинг даволаанишлари учун барча зарур шароит ва кулайликлар муҳайё қилинган. — Бўлимимиз ўтган 2011 йилда қайта таъмирланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазиrлиги томонидан ажратилган жами 130 431 747 сўмлик 22 турдаги замонавий тиббий аппаратураларга эга бўлдик, — дейди олий тоифали катта ҳамшира Майсара Сатторова. — Кардиомонитор, электрокардиограмма, пульсоксиметр, наркоз ва ультра товуш текшируви аппаратлари шулар жумласидандир. Эндиликда шифокорларимиз беморларга тахшис қўйиш ва даволаш имконига эга бўлишди. Биргина жорий йилнинг ўзида бўлимимизда 800 нафарга яқин бемор даволашиб кетгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

● КАДАСТР ХИЗМАТИ

Мулк қонунийлиги

УНИНГ АБАДИЙЛИгини ТАЪМИНЛАЙДИ

Ҳар бир мулк — бино, иншоот, ер ўз қийматида эга. Давлат муассасалари, корхона ва ташкилотларга тегишли бинолар, хусусий шахсларнинг иморатлари ва бошқа кўчмас мулкларни баҳолаш жуда муҳим ва масъулиятли вазифа. Чунки бу мулкни олиб-сотди қилиш, мерос қолдириш, гаровга қўйиш мумкин эмас. Аёнки, бино, иншоот ва ернинг баҳосини аниқлаб, уни давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш шарт.

Мамлакатимизда бу борадаги ишлар тобора ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулк - давлат кадастр юритиши тўғрисидаги" қароридан Давлат кадастрлари ягона тизими ва бинолар, иншоотларнинг ягона давлат ҳисобини яратиш ҳамда унинг юриктилишини ташкил қилиш вазифалари белгилаб берилган. Шу боис ҳам бу соҳадаги ишлар нафақат микдор, балки сифат жиҳатидан ҳам яхшиланиб бормоқда. Лекин бу борадаги фаолиятни тўғри англамаётган корхона ва муассасалар ҳам учраб туради. Улар мулкларни давлат рўйхатидан ўтказишда турли баҳоналар билан

пайсалга солиб, баъзи ҳолларда маблаг йўқлиги ҳақидаги важлар айтадилар. Ахир, объектни у жойлашган ер, тупроқ структурасини ўрганиш, баҳолаш осон иш эмас. Мутахассислар бунинг учун анча куч ва вақт сарфлайди. Айни пайтда туманимизда кўп йиллик экинзорлар, дарaxтлар, тузтор, мевали кўчатлар, томорқа ерлари, яйловлар, сув ости ва мелиоратив ерлар, ижтимоий бинолар объектларидан инвентаризация ва баҳолаш ишлари олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамасининг "Дафн этиш ва дафн иши тўғрисидаги" қонунини амалга ошириш мақсадида тумандаги 96 та майдонда жойлашган мавжуд қабристонлар давлат рўйхатидан ўтказилди. Ер

майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, ноқонуний иморатлар қурган 6 нафар шахсга нисбатан жаримага тортиш тўғрисида суднинг қарори қабул қилинди. Ердан мақсадсиз фойдаланган ва режада белгиланмаган экинларни эккан 9 нафар фермер ҳўжалиқлари бошлиқлари маъмурий жаримага тортилди.

Иш фаолиятимизда илгор мамлакатлар тажрибаларидан кенг фойдаланяпти. Айни пайтда компьютер, плоттер, геодезик асбоблар, "AVTO-CAD" дастури асосида ишлар олиб бораляпти. Туман маркази ва ҳўжалиқлар манзилларининг масштаби топография режа ва координатлар каталоглари мавжуд. Корхона ва ташкилотлар, жисмоний шахсларга тегишли ер майдони, чегара нуқталари координатларидан фойдаланиб юзаси аналитик усулда ҳисобланмоқда. Ер ресурслари ва кадастр хизматининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида тажрибали, ишбилармон, малакали мутахассисларнинг ўрни бекиёс. Шу боис бўлим томонидан малакали ёшларни тайёрлаш ва ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хуллас, туманда ушбу соҳада хизмат даражасини ошириш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланиляпти.

Зайниддин ИБОДУЛЛАЕВ,
Нарпай туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи

● БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

"Қаноти" қайрилганлар

Мамлакатимизда аҳолининг товуқ гўштига бўлган эҳтиёжи нафақат ички имкониятларимиз, балки ташқаридан ушбу маҳсулотни импорт қилиш орқали ҳам қондириб келинмоқда.

Бирoқ, паррандачилик санoати ривожланган айрим мамлакатларда товуқ гўштининг сифати тобора шубҳали тус олаётгани кишини ўйлантиради. Шунини инобатга олган ҳолда республика божхоначилари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган товуқ гўштининг олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 380 дан ортқ қонунбузарлик ҳолатларидан қиймати 1,3 млрд. сўмлик сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган 180 тоннадан ортқ парранда гўштининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Яшириб янглишди

Айни пайтда республика-мизда жисмоний шахслар томонидан нақд хоризжий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш тартибларини белгиловчи барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган.

Амалдаги тартиб-қоидаларни кенг жамоатчиликка етказиш ва тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, нақд хоризжий валюталарни яширин равишда республикадан олиб чиқиш ҳолатлари учраб турибди. Яқинда Андижон вилояти "Дўстлик" божхона комплексида қонунбузарликка йўл қўйган сариқсоелик М.Хўжаева божхоначилар қаршисида ер чизиб қолди. Чунки, у сумкасига яширган 4000 АҚШ долларини на божхона баённомасида ва на оғзаки сўров пайтида айтишни истамади. Таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республика божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи идора вакиллари ҳамкорлигида аниқланган 590 га яқин қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 2,1 млрд. сўм эквивалентдаги нақд хоризжий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.


Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Сайёҳлик салоҳияти

2012 йилнинг охирига бориб, дунё бўйлаб саёҳатчилар сони миллиардга етади. Бундай ҳолат жаҳон сайёҳлик тарихида биринчи марта кузатишмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига қараганда, 2011 йилда мазкур кўрсаткич 990 миллион кишига етган



давлатлараро урушлар, зиддий ташриф туфайли пасайган бўлса-да, янги асрга келиб туризм яна бир жиддий синовни бошидан кечирмоқда.

Халқаро ҳаво транспорти уюшмаси маълумотларига кўра, ўтган беш йил давомида сайёҳлик соҳасида жиддий пасайиш кузатилди. Айнан глобал инқироз дунё бўйича йўловчилар ташвиш ҳажмининг қисқаришига олиб келди. Хусусан, Хитой, Испания, Италия, АҚШ, Таиланд каби давлатларда сайёҳлар сони камайган. Ушбу давлатлар қатори Греция, Миср, Индонезия, Туркия каби туризмдан юқори даромад кўрадиган давлатлар ҳам соҳага алоҳида эътибор қаратишмоқда. Испания ҳукумати томонидан соҳани модернизация қилиш мақсадида ажратилган 1,5 миллиард АҚШ доллар миқдоридан маблағлар айна пайтда асосан Канар оролларида йўналтирилмоқда. Зеро, бугунги кунда туризм Канар ороллари янги худудий маҳсулотининг 60 фоизидан ортигини ташкил этади.

Тарихи минг йилларга бориб тақалладиган, узоқ осори-атиқаларга бой Италияда ўтган йили туризмдан даромад 7,3 фоизга тушиб кетган. Мутасадди ташкилотлар сайёҳлар йўлларини "қадимий Рим"га қаратиш мақсадида асосий эътибор рекламаларга қаратилмоқда. Мамлакат туризм кенгаши томонидан ажратилган 13 миллион АҚШ долларига тенг бўлган маблағлар ёрдамида турли акция ўтказилмоқда. Бундан мақсад осийлик, шунингдек, АҚШ, Канада, ЕИГА аъзо мамлакатлардан сайёҳларни янада кўпроқ жалб этишдан иборат.

Глобал молиявий инқироз Жанубий Корея иқтисодиётига ҳам жиддий таъсир этганига қарамай, «Осиё йўлбарси» туризмнинг ўсиш суратларини сақлаб қолаётган давлатлар сирасига киради. Жанубий Кореяга ташриф буюрувчи меҳмонлар сони 9 фоизга ошган. Исландияда эса қронинг долларга нисбатан 65 фоиз, еврога қараганда 40 фоиз қадрсизлангани мамлакатга сайёҳларни жалб этишни кўпайтиришга туртки берган. Пулнинг қадрсизланиши туризмга қандай фойда бўлиши мумкин? Мутахассисларнинг фикрича, даромади евро бўлган киши агар Исландияга ташриф буюрса, кам пулга мамлакатнинг катта қисмини томоша қилиши, нархнаволар бирмунча пасайган пайтда пулни иқтисод қилиши мумкин.

Сайёҳлик соҳасида ўзига хос тажриба, салоҳият ва имкониятга эга бўлган Ўзбекистонда соҳа тобора ривожланиб бормоқда. Зеро, гўзал табиат гўшалари, тарихий-маданий осори-атиқалар сайёҳликнинг ошунони. Юртимизда башарият тамаддунининг бешикларидан бўлган беназир шаҳарларимиз, Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаган ноёб тарихий ёдгорликлар, ранг-баранг қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлар, ўзига хос ҳушманзара табиати, файзли гўшалари, бетакрор маданияти, анъаналари ва меҳмондўст халқи билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этмоқда. Пулвиқор тоғлардаги абадий музликлар, минг дардга даво гиёҳлардан тортиб шифобахш сувларгача заминимизда мўжассам. Бу бизда туризм соҳасида катта имкониятлар борлигидан далолат беради.

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий жойлар кўлиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда тўрт мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Уларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган. Буюк аждодларимиздан мерос бу бебаҳо обидалар асрлар оша дунё аҳлини ўзига мафтун этиб

Ўзбекистонимизга бутун дунёда қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Негаки, мамлакатимиз географик жиҳатдан қулай ҳудудда, машҳур Буюк Ипак йўли марказида жойлашган. Мамлакатимизда 4000 дан зиёд ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг 140 таси ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган.

Хозир юртимизда туризм соҳасида махсус лицензияга эга саккиз юздан зиёд ташкилотлар фаолият юритмоқда. Улар Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳчиларнинг қулай жойлашиши ва вақтларини мароқли ўтказиши учун ҳаракат қилмоқда. Меҳмонхоналар сервис даражаси ҳам ошмоқда. Бугун мамлакатимизда юқори савияда хизмат кўрсатадиган 350 дан ортиқ меҳмонхона ҳамда уйдаги каби шинамликини хуш кўрадиган, айна пайтда халқимиз турмуш тарзи билан яқиндан танишишни истайдиганлар учун уй-меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда.

— Мен Ўзбекистонда учинчи марта бўлишим, - дейди корейлик сайёҳ Юнг Хи Ли. — Томошамизни ҳар сафар оиламиз билан Тошкентдан бошлаб, Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда давом эттирамиз. Бу сафарги сайёҳатимизни хунармандлар фаолияти билан бошладик. Улар томонидан ясаётган буюмлар ҳақиқатан бетакрор — кўза, чойнак-пиёла-ларнинг ранг-баранглиги, ўзига хослиги, айниқса, уста-хунармандлардаги сабр-тоқат, ишга масъулият билан ёндашиш мени хайратга солади.

Мутахассисларнинг фикрича, юртимизда сайёҳлар сони оширишни муҳим йўллари билан бири — бу туризм салоҳиятини етарли даражада халқаро миқёсда реклама қилишдир. Бу ишга эътиборни қучайтириш давр тақозосига айланади бораётир. Қолаверса, миллий авиакомпаниялар ҳамкорлигини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистонда халқаро андозаларга мослаб қурилган сайёҳлик мажмуаси сифатида Чорвоқдаги иншоотларни айтиш мумкин. Шунингдек, дам олувчилар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда худди шундай рақобатбардор масканларни янада кўпайтириш зарур.

Кузатувчиларнинг айтишича, Ўзбекистонда соҳани ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Хусусан, уч минг йиллик тамаддунга гувоҳ бўлган шаҳарлар, янгидан-янги кашф этилаётган қадимий қадимжолар шулар жумласидан. Етти оламга доврғи кетган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Марғилондаги обидалар, улуг алломалар жойлари, маданий мерос объектлари, археология, меъморчилик ёдгорликлари, зиёратгоҳлардан хорижий сайёҳларнинг қадами узилаётгани йўқ.

Ўзбекистон билан Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этмоқда. Мамлакатимиз Жаҳон сайёҳлик ташкилотига 1993 йили аъзо бўлган. Юртимизда ушбу ташкилот билан ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, халқаро конференция ва семинарлар мунтазам ўтказилаётир. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизга келаётган сайёҳлар умумий оқимининг қарийб 80 фоизи сайёҳлик соҳаси ривожланган ҳудудлар — Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келмоқда. Фарғона водийси, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳам хорижий меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимизга кўпроқ Германия, Япония, Франция, Италия, Туркия, Россия ва бошқа давлатлардан меҳмонлар ташриф буюрмоқда. Буларнинг барчаси қадимий ва навқирон

Беҳбуд БОТИРОВ,
Камолiddин ХОТАМОВ,
"Milliy tiklanish"
мухбирлари

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Кутилганидан кўп

Қатар пойтахти Доҳада БМТнинг глобал иқлим ўзгаришига бағишланган халқаро конференция ўтказилди.



Икки юздан ортиқ давлатлар иштирок этган мазкур анжуманда асосан атмосферага чиқарилаётган зарарли газларни камайтириш, иқлим иситишининг олдини олиш масалаларига бағишланди. Маърузачиларнинг фикрича, сайёрамизда ҳароратнинг 7 фоизга иситиш оқибатида абадий музликлар эриб, ўрмонлар қуримоқда. Уммон суви фақат бир метр қўқилганда ҳам сайёрамиздаги 600 миллион киши истиқомат қилаётган худуд хавф остида қолиши мумкин. БМТ ва Халқаро метеорологик ташкилот томонидан Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматларга экспертлар гуруҳининг маълумотича, сўнгги 40 йилда океанлардаги ҳароратнинг ортиши кутилганидан 50 фоиз тезроқ содир бўлмоқда.

Бангкок осмонида қора булутлар

Бангкокда тинмай ёғаётган ёмғир оқибатида кучли сув тошқини содир бўлди.



Мамлакатдаги ёмғирчилик миқдори хавфли кўрсаткичга етган. Шаҳарнинг кўплай туманлари сув остида қолган. Ҳозирча йўлларда автомобиллар ҳаракати вақтинча тўхтатилган. Эслатиш ўтамуз, ўтган йили Таиланддаги Чаунгхуя дарёси сатҳининг кўтарилиши оқибатида Бангкок маркази сув остида қолган. Ушундай табиий офат қарийб саккиз юз кишининг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган.

Энди қаерга борамиз?

Сингапур сайёҳлик агентлиги туристларга янги хизмат турларини тақдим этмоқда.

Саёҳатга келган меҳмонлар энди мамлакатнинг диққатга сазовор жойлари билан таништирувчи, йўл бошловчи гидга эҳтиёж сезмайди. Бунинг ўрнига агентликдан йўл бошловчи «Айпад» планшет компьютерларини ижарага олиш мумкин. Маълумотларга кўра, бундай планшетларга жойлаштирилган шаҳар харитаси ёрдамида қаерда эканлигини ва қаерга боришини зарурлиги, ошхона ва рестороанлар, меҳмонхоналар манзилни осон аниқлаш мумкин.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Шимолий Европада жойлашган Швеция қироллигининг пойтахти Стокгольм шаҳри. Умумий майдони 449964 квадрат километр, аҳолиси 9 миллиондан зиёд. Мамлакатда ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати, металлургия, гидроэнергетика, автомобилсозлик яхши ривожланган. Замонавий илм-фан ютуқларининг маркази ҳисобланмиш Швеция қадимги ҳарбий кемалари билан ҳам дунёга машҳур. Улардан бири Васса кемаси бўлиб, ҳозирда шу номдаги музейда сақланмоқда.

Васа — бизгача етиб келган XVII асрга оид ягона ҳарбий кемадир. Қолаверса, кеманинг 95 фоизга яқин бирламчи конструкция элементлари ва ёғоч ҳайкалчалари яхши сақланган. Бугунги кунда Васа башариятнинг ноҳир ва қимматбаҳо бадий хазиналаридан бири ҳисобланади. Ҳозирда ушбу кемани Стокгольмда бунёд этилган махсус музей ўз бағрига олган. Бу ёрда Васа кемасидан ташқари яна унга алоқадор 9 та экспозиция мавжуд. Шунингдек, музей кинозалида Васа ҳақидаги фильм нақд 16 тилда намойиш этилади.

Тарихий манбаларга кўра, кема таҳминан 1626 йили Швеция қироли Густав Адольф II

нинг амрига биноан қурилган. Икки йилдан кўпроқ вақт мобайнида қурилган кема 3 та мачта ва 10 та елқандан иборат эди. Ўлчамларига келса, узунлиги мачтанинг энг юқори қисмидан килга қадар 52 метр, кема бурнидан тугаш жойига-ча 69 метр. Оғирлиги эса 1200 тонна. Фояга кўра, Васа швед ҳарбий-денгиз флотининг етакчи кемаларидан бири бўлиши лозим эди. Лекин қисқа сузишдан сўнг, кема денгиз тубига фарқ бўлади. Кучли шамол туфайли мувозанатни йўқотган кема ён томонга қулайди ва замбараклар учун мўлжалланган туйнуқлар орқали кирган сув уни батамом ўз домига тортиб кетади.

Васа музейи



Орадан роппа-роса 333 йил ўтиб Васа яна ёруғ дунёни кўрди. 1950 йилларда тадқиқотчи Андерс Франзен уни мустақил равишда ўргана бошлайди. Кемаларга болалигиданок меҳр кўйган Андерс шўр сувларда учрайдиган Teredo navalis кема қурти унча шўр бўлмаган Болтиқ денгизда кам учрашини яхши биларди. Билим ва тажрибага таянган тадқиқотчи 1956 йили Васани топишга му-

ваффақ бўлди. Бироқ, кема денгиз тубидан беш йил дегандек олиб чиқилди.

Табиики, узоқ вақт давомида сув қаърида ётган кемани қуруқликка олиб чиқишдан олдин барча эҳтиёт чораларни кўриш лозим бўлади. Чунки ҳаво ва кўш нурлари таъсирида кема конструкцияси элементларида ёриқлар пайдо бўлиши мумкин. Буни вақтида англаган мутахассислар Васа-

га ўхшатиш мумкин. Сабаби унга ўрнатилган ҳайкалчалар, безак ишларида фойдаланилган ёрқин ранглардан қолган буюк излари ана шундай тасаввурни пайдо қилади. Ҳайкалчалар фантазиясига эса тан бермасликнинг илоҳи йўқ.

Шунча гўзаллиқни ўзида жамлаган кеманинг камчилиги нимада эди? Мутахассисларнинг таҳминича, XVII асрда кемасозликда габаритлар жадвалидан фойдаланилган. Ушунда жадвал қутилган самаралар беради, деб ҳисобланган. Бироқ бунинг мутлақо акси бўлди, рим императорларидан тортиб денгиз мавжудотларигача учрайди.

Шунча гўзаллиқни ўзида жамлаган кеманинг камчилиги нимада эди? Мутахассисларнинг таҳминича, XVII асрда кемасозликда габаритлар жадвалидан фойдаланилган. Ушунда жадвал қутилган самаралар беради, деб ҳисобланган. Бироқ бунинг мутлақо акси бўлди, рим императорларидан тортиб денгиз мавжудотларигача учрайди.

1961 йили Васа билан бирга қуруқликка 14000 та ёғоч буюмлар олиб чиқилган бўлиб, улардан 700 таси ўйиб ишланган, Васа кемасини парчаланишдан асраб турибди. 1961 йили Васа билан бирга қуруқликка 14000 та ёғоч буюмлар олиб чиқилган бўлиб, улардан 700 таси ўйиб ишланган, Васа кемасини парчаланишдан асраб турибди.

га ўхшатиш мумкин. Сабаби унга ўрнатилган ҳайкалчалар, безак ишларида фойдаланилган ёрқин ранглардан қолган буюк излари ана шундай тасаввурни пайдо қилади. Ҳайкалчалар фантазиясига эса тан бермасликнинг илоҳи йўқ. Биргина кемада афсонавий махлуқлар, қадимий юнон маъбудлари, рим императорларидан тортиб денгиз мавжудотларигача учрайди.

Шунча гўзаллиқни ўзида жамлаган кеманинг камчилиги нимада эди? Мутахассисларнинг таҳминича, XVII асрда кемасозликда габаритлар жадвалидан фойдаланилган. Ушунда жадвал қутилган самаралар беради, деб ҳисобланган. Бироқ бунинг мутлақо акси бўлди, рим императорларидан тортиб денгиз мавжудотларигача учрайди.

тўлдириб чиқадилар. Бироқ, Васанинг юқори қисми барибир оғирлигича қолаверади. Унинг чўкишига айнан шу кўшимча палубалар сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Швед ҳарбий денгиз флотининг етакчи кемаларидан бирига айланиши кутилётган Васа 64 та замбаракка эга бўлиб, 24 фунт (11 кг.) ядро билан ўқлардан эди. Ингирмага яқин кемаси бўлган Швецияда Васа каби замбаракли кўпи бўлмаган.

Васа музейи фақат кеманинг ўзидан иборат эмас. Кема денгизга чиққан пайти унинг ичида 150 кишидан иборат катта жамоа бўлган. Улардан 30-40 нафари фалокат қурбонига айланмишган. Бундай дейишимизга кемадан топишган суяк қолдиқлари ва кийим-кечаклар асос бўлади. Айни пайтда музей ходимлари томонидан кемадаги топишмалар синчиқлаб ўрганилмоқда. Кўргазмалар доирасида кема жамоасининг ҳаёти билан боғлиқ янгида янги экспонатлар зиёратчилар эътиборига ҳавола этилапти. Қолаверса, музейдаги ҳар бир буюм ва муҳит ўша даврга сайр қилиш имконини беради.

Зафар МУҲАММАД

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**Оламлар
чорраҳасида**

Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги мемориал бог-музейида рассом Умида Ирматованинг шахсий кўргазмаси очилди.

Умида Ирматова 1981 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Республика рассомлик коллежи, Миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсил олган мусавира "Миср ёш рассомлар нигоҳида" номи кўргазмада Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари асосида қартилган либослар коллекцияси билан муваффақиятли қатнашган. 2002-2003 йилларда рассомнинг иланишлари натижасида "Дунёнинг яраллиши", "Қалбимнинг очилмаган олами" каби туркум асарларни муҳлислар эътиборига ҳавола этди. Бу галги кўргазмага рассомнинг 50 дан ортиқ асарлари кўйилган бўлиб, улар орасида "Авесто" ва бошқа тарихий мазмуларга бағишланган асарлар ҳам бор.

Х.АБДУНАЗАРОВ

**"Алпомиш"
голиб бўлди**

Шу йилнинг август ойида Жанубий Кореянинг Кванжу шаҳрида Осиё дostonлик санъати кўмитаси томонидан халқ оғзаси ижоди меросини асраш ва келажак авлодларга етказиш мақсадида ўтказилган эртак, афсона ва эпос сценарийлари танлови натижалари эълон қилинди.

Унга кўра, таниқли кино ижодкорларимиз Жасур Исҳоқов ва Мастура Исҳоқова томонидан ёзилган "Алпомиш" киносценарийси голиб деб топилди. Ўзбекистон миллий академик драма театрида мазкур муаллифларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда олимлар, санъат ва маданият намояндалари, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

"Туркистон-пресс"

Ўтов, гилам, кашта ва улар билан боғлиқ урф-одатлар қорақалпоқларнинг аجدодларидан мерос бўлиб келаётган қадим қадриятларидан саналади. Халқ амалий санъати намуналари — гиламдўзлик, гулдор тўқимачилик, каштачилик, қуроқчилик, тери ошлаш ва унга кашта тиқиш, заргарлик ва темирчилик буюмлари, ёғоч ўймакорлиги, қўлбола мато тўқиш қорақалпоқ элининг ўзига хос этник хусусиятларини ҳам ифодалайди.

Қорақалпоқ халқ амалий санъатининг муҳим сифатларидан бири — замонавий ички безаклардан кенг фойдаланиш ва айни чоғда ташқи безак тури билан узвийликда эканидир. Бу қорақалпоқ амалий санъатининг барча турлари, хусусан, гиламдўзликка кўпроқ тааллуқлидир. Гиламдўз аёллар бетакрор санъати билан замонавий рассомларни ҳайратда қолдириб, гўзал бадий ечимлар топилган. Аънавий гулдор композициядан фойдаланган гилам тўқувчилар мазкур гилам учун бевосита дахлдор ранг ва унинг турларини доимий тарзда уйғунлаштириб келадилар. Шунданми, гиламда ранг-тасвир ечими юзага келади, бу эса уни

VATAN TUVU'USI HAR NARSADAN USUN
MILLY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

КЎЗГҮ

"BAZAR — ART. КУЗ — 2012"

Олтин кузнинг ёрқин ранглари

МИЛЛИЙ АМАЛИЙ САЊЪАТ АСАРЛАРИ НАМОЙИШИДА ЁРҚИН АКС ЭТДИ



Олтин куз фаслининг сўнги кунларида пойтахтимиздаги муҳташам Миллий санъат маркази санъат ихлосмандлари, уста хунармандлар, меҳмонлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан гап-гап бўлди. Бу ерда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Миллий санъат маркази, "IJOB" Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмалари билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келаётган энг ёрқин лойиҳаларидан бири — "Bazar — Art. Куз — 2012" кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.



(Ў.А) олган суратлар.

кур тадбирда уста-хунармандларимиз ўз асарларини намоиш этиш билан бирга ўзаро фикр, таъриба алмашди, янгиликлардан хабардор бўлишди, келгуси ишларини режалаштириб олишди, деб ўйлайман.

**Эльмира АХМЕДОВА,
Миллий санъат маркази
директори:**

— Миллий санъат марказимиз фаолият юрита бошлаганига 5 йил бўлди. Шу йиллар давомида Фонд Форум жамғармаси билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни ташкиллаштирдик. Ҳар йили баҳор ва куз ойларида бўлиб ўтадиган "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркаси анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятни юзага чиқаради, ўзгариш ва янгиликлар билан кенг жамоатчиликни таништириб боради. Лойиҳа доирасида хунармандлар ва уларнинг шоғирдларига турли грантлар ажратилади. Мазкур грантлар халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчиликнинг йўқолиб бораётган турлари ва анъанавий шакллариини қайта тиклаш каби эзгу мақсадларга йўналтирилади. 2007 йилдан бери умумий ҳисобда 24 млн. сўмлик 6 та грант ўз эгаларига топширилган.

**Ваҳобжон БУВАЕВ,
хунарманд (Наманган):**

— Поп тумани "Хунарманд" уюшмаси ва Кўқон шаҳар "Меҳр-

кўйилган барча асарларни ана шу ўқувчиларимиз ишлашган. Айтиш жоизки, кўргазма-ярмарка доирасида барча иштирокчилар ва анъанавий санъатимизга бефарқ бўлмаганлар учун турли ҳудудий мактаб вакиллари бўлган хунармандларимиз томонидан каштачилик, қулоччилик, миниатюра ва ёғоч ўймакорлиги санъати, миллий кўғирчоқлар ишлаб чиқариш бўйича маҳорат дарслари ҳам ўтилди.

Таниқли санъат арбоблари ва кўзга кўринган уста-хунармандлардан иборат жаҳамлар ҳайъати аъзолари кўргазма қатнашчилари асарларини "Анъанавий тўқимачилик устаси", "Анъанавий қандакорлик устаси", "Нақш ва миниатюра устаси", "Ёғоч ўймакорлиги устаси", "Зардўзлик санъати устаси", "Қулоччилик устаси", "Анъанавий каштачилик устаси" ва "Анъаналарни замонавий қиёфаларда сақлашнинг учун" номинациялари бўйича баҳолаб боришди.

Кўргазма-ярмарканинг ёпилиш маросимида Фонд Форум Васийлик кенгаши раиси, "Bazar-Art" лойиҳаси муаллифи Гулнора Каримова миллий хунармандчилигимиз ривожига ўз меҳнати, изланиши билан хисса қўшаётган бир гуруҳ устоз ва шоғирдларни махсус грант, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирлади.

**Эркин ЙЎЛДОШ,
"Milly tiklanish" мухбири**

МЕРОС
Қорақалпоқ халқ амалий санъати
УНДА ЎЗИГА ХОС РАНГ ВА НАҚШЛАР МУЖАССАМ



манзарага янада яқинлаштириб қўяди. Бугунги кунда қорақалпоқ халқ амалий санъати миллий либос, кийим-кечаклар тўқиш мисолида ҳам ўсиш ва ривожланишда давом этмоқда. Қорақалпоқ миллий либослари учун асосан тўқ ранглар танланади. Тўқувчилар кўпинча жигарранг-қизил ва жигарранг-пушти ранглардан иборат нафис, босиқ, шу билан бирга тўйинган ранг-

лар йиғиндисидан кенг фойдаланишади. Бунда қизил, кўк, мовий, яшил каби иссиқ-совуқ ранглар бир-бирига мос равишда танланиб, умумий безак бичимига кўра, ўзаро уйғун ҳолга келтирилади. Ранг ечимлари либосларга алоҳида жило бахш этади. Бунда "киймешик"даги қизил ва қора сурп билан чопон ва "жигде"даги қизғиш-пушти ранг берилган шойи бириктириб, "саукеле"даги олтин, кумуш, феруза, маржон ва нуқралар тўқ кўк

да қорақалпоқ қиз-жувонларининг бетакрор хунари — тўқимачилик намуналари, миллий нақшлар ўз аксини топади. Гулли мато буюмларда ил-газлама асосий ўринни эгаллаган бўлиб, бўртма гуллар жун ипда тикилган. Ясси газламалар учун эса ипак, жун ва галтак иплардан фойдаланилган. Чоғроқ гулли газмол тўқувчидан ниҳоятда синчков бўлишни талаб қилади.

Каштачилик элементлари асосан қиз болалар, келинлар ва кекса аёллар либосини безатишда қўлланилади. Кийимнинг мана шу уч турига алоҳида эътибор берилган. Чунки уларда қараб либос эгасининг ёшини аниқлаш осон бўлган. Уларнинг ҳар бири ўз ранг ечимига эга бўлиб, безаклар анъанавий таркибини ташкил этади. Кўйлакнинг тўқ кўк ранги, оқ ёки сариқ хол-холи бор енгилгина қизғиш-пушти тус берилган майда қавакли чопон, қизил-қора сурпдан тикилган бош кийим-каштаси, зардўзи "гумис тахия" ва "тўбалик" ҳамда кумуш безаклар — буларнинг бари қиз бола тимсолани вужудга келтиради. Мазкур мовий кўйлак ва қизил чопон келинлик либоси ҳам саналади. "Киймешик" ҳамда "саукеле" номли бош кийимлари, "жилик жегде" номли ёпинч ва заргарлик безакларининг анъанавий тўплами эса уни янада тўлдирган.

Ранг ечимлари либосларга алоҳида жило бахш этади. Бунда "киймешик"даги қизил ва қора сурп билан чопон ва "жигде"даги қизғиш-пушти ранг берилган шойи бириктириб, "саукеле"даги олтин, кумуш, феруза, маржон ва нуқралар тўқ кўк

рангдаги каштали кўйлак билан уйғунлашиб, кашта ва таниқчоқларнинг ажойиб мажмуасини пайдо қилган. Катта ёшдаги аёл кийимлари очик рангда бўлган, асосан, оқ ипак газламадан тикилган: оқ кўйлак, "оқ киймешик", "оқ жигде" ва ҳоказо. Уларга хос ва мос кўринишдаги қизғиш-пушти гуллар туширилган.

Ўрта Осиёнинг кўплаб халқлари учун қабул қилинган шакллари амал қилган ҳолда қорақалпоқ заргарлик буюмларида ҳам ўзига хос ечимлар ўйлаб топилган. Улар буюмлар шаклидаги ҳар қандай тўғри чирикдан воз кечган маънорликка интилиб, кескин бурчакларсиз айланма, тугунли бўртиқ шакллари алоҳида аҳамият қаратилган. Заргарлик буюмлари учун асосан нуқрали кумушлардан фойдаланилган. Гулнинг бўртиши учун бироз тилла суви югуртирилган. Гоҳо чеккаларини айлантириб чиқиш учун ферузадан, шокиласига қизил маржондан фойдаланилган.

Қорақалпоқ қуроқлари кўпинча "шанша"да ишлатилади. Шанша бу чарм ёки оқ матодан тикилган трапециясимон халтача бўлиб, унда ун, қовурилган тарик ёрмаси сақланган. Бунда кўпроқ қизил ё қора сурп ишлатилади. Гуллар хандасавий ёки шохдорнома тарзда ишланган. Узанги тағидан қўйиладиган "тебэнг"чаларда чармга босма нақш солишда ҳам катта маъно бор. Улар ё қолипда босилган ёки мўъжаз босмаларда ўйиб нақш солинади.

**Дилфуза РЎЗИЕВА
тайёрлади**

Виждон олижаноб инсоннинг одил ҳакамидир.

Ошна-оғайнилари мўл одамнинг дўсти бўлмайди.

РИВОЯТ

Арастуға бир одам унинг ортидан гийбат қилганини айтишганда, у:

— Ҳечқиси йўқ. Ортимдан калтаклашса ҳам майли, — деб жавоб берган экан.

Файласуфдан тез кексайиб бораётганининг боисини сўрашганда:

— Бу олижанобликдандир, — деб жавоб берган.

Ундан яна фалсафадан қандай наф олгани ҳақида сўрашганда эса қуйидагича жавоб қайтарган:

— Бошқалар қонун қаршисидаги қўрқув туфайли мажбуран бажарадиган ишларни мен ўз ихтиёрим билан адо этишни ўргандим.

БИЛАСИЗМИ?

Ненецлар тўй таоми ҳақида ортиқча бош қотириб ўтиришмайди. Бориға барака, дегандек, хом бугу гўшти билан ҳам меҳмонларни кўйи олишаверади.

Бали оролари тўй маросимига бориб қолсангиз, асло ажаблана кўрманг. У ердаги тўй дастурхони атрофида фақат аёлларни кўрасиз. Эраклар-чи, дерсиз? Улар дам олиш билан банд. Ахир аёллари мазза қилиб тановул қилаётган таомларни шўрғур қўрғур эракларнинг ўзи тайёрлаганда.

ТУРФА ОЛАМ

**Сузиш — фойдали
деб топилди**

ЖУДА ЭРТА СУЗИШНИ ЎРГАНГАН БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСИЙ БОСКИЧЛАРИНИ ЎЗ ТЕНГДОШЛАРИГА НИСБАТАН АНЧА АВАЛЛАРОҚ БОСИБ ЎТИШАДИ.

Австралиянинг Гриффити университети олимлари худди шундай хулосага келишган. Уч йил давом этган тадқиқот давомида Австралия, Янги Зеландия ва АҚШдаги беш ёшгача бўлган болаларнинг ота-онаси ҳисобланган 7 минг нафар ота-она ўртача сузиш сўровнома ўтказилган. Бундан ташқари, яна 180 нафар уч-беш ёш оралиғидаги болалар изчил тест жараёнига жалб этилган. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, эрта сузишни ўрганган болалар нафақат жисмонан, ақлий жиҳатдан ҳам тезроқ ривожланишади. Яна улар қоғоз кесини, чиқиқлар чиқиш ва бўяшда, катта шакллари ясашни тез ўзлаштириш, математик масалаларни осонгина ечиш ва ниҳоят раво нутқи билан сузишга бормайдиган тенгқурларидан ажралиб турадиган.



Кўчат ўтказиш бўйича рекорд

ХИНДИСТОНДА БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТ ИЧИДА ЭНГ КўП КўЧАТ ЎТКАЗИШ БўЙИЧА ДУНЁ РЕКОРДИ ЎРНАТИЛДИ.

Бир соат ичида мамлакат аҳолиси ва меҳмонлари буддавийлар монастыри ёнида деярли 100 мингга яқин кўчатларни экишга улғуришди. Ушбу экологик акция жараёни Гиннеснинг Рекордлар китоби вакиласи кузатиб борди. Кузатувчининг журналистларга айтишича, ўн мингга яқин одам, ҳаво ёмон бўлишига қарамай, мақсадга етиш учун баҳам-жиҳатликда ишлашган. Эслатиб ўтамоқчи, кўчат экиш бўйича аввалги рекорд ўтган йили январь ойида Филиппинда ўрнатилган. Ушунда бир соат ичида 66 мингга кўчат экилган эди.



**Император пингвинлари
музликларда жон сақляпти**

ЯПОНИЯЛИК ОЛИМЛАРНИНГ АНИҚЛАШИЧА, УМИНИНГ УЧДАН БИР ҚИСМИНИ МУЗ УСТИДА ЎТКАЗУВЧИ БУ ҚУШЛАР ЙИРТҚИЧЛАР ЎЛЖАСИГА АЙЛАНМАСЛИК УЧУН ШУНДАЙ ҲАЁТ ТАРЗИНИ ТАНЛАГАН.

Айни пайтда пингвинлар танасига соҳа мутахассислари томонидан махсус датчиклар ўрнатилди. Бу қушларнинг кун тартиби қандай ўтиши ҳақида маълумот олиш имконини беради. Қолаверса, император пингвинлари билан боғлиқ тадқиқотлар жуда кам ўтказилган. Энди эса уларнинг ҳаётини истаганча ўрганиш мумкин. Шу пайтгача бундай қушлар асосий вақтини сувда ўтказди, деб ўйланарди. Бироқ, сўнги кузатувлар натижасида император пингвинлари 70 фоиз вақтини сув тубида озиқ излаш билан ўтказиши аён бўлиб қолди. Қизғиш шундаки, улар шунча ваҳимага қарамай сувда 4,8 соатдан у ёғига дош беролмасмиш.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АХМЕДОВ, Голибшер ЗИЯЕВ, Суван НАҲБИДИНОВ, Мухаммадҷон ҚУРОНОВ, Фаҳружон МУҲАМЕДОВ, Улўбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаи ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САЎБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буортма — Г 1119, Адади — 4318. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Камолиддин ҲОТАМОВ
Навбатчи: Шоҳида ДАМАНОВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliy@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.30.
ISSN 2010-7714